



Хазрат Алишер Навоий “Подшоҳ одил ва ҳақ ниятли бўлса, мамлакат обод бўлади, гуллаб-яшнади”, деб ёзади. Яна қадимги ҳикматларда нақл қилинадики, “Юртбошининг қадами етган жойга Тангрининг раҳмати ёғилади”. Бу сўзларнинг ҳаётий ҳақиқатини Қорақалпоғистон мисолида кўриб турибмиз. Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ғарбий сарҳадларимизга қилаётган ҳар бир ташрифи биз учун қатор янгилик ва имкониятлар эшигини очмоқда. Ташриф доирасида бўлган халқ билан мулоқот одамлар кайфиятини ижобий тарафга ўзгартираётган бўлса, масъуллар билан ўтказилган йиғилишлар хайрли тадбирларга йўл очмоқда.

ЮРТДОШИМ, ОРОЛГА БИР НИХОЛ ҚАДА...

Туз ва қумлари Аляска музлик-ларигача учиб бораётган Орол муаммоси узок вақтдан бери ян-гича ёндашувдаги ечим кутиб ёт-ган эди. Президентимиз Бирлаш-ган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72- ва 75-сес-сияларида Орол денгизи инки-рози чегара билмайдиган глобал экологик муаммолардан бири эканлигини таъкидлаб, дунё ҳам-жамиятини огоҳликка чақирди. Ана шундай тақдир ва ташаббус-лар натижаси ўлароқ, 2018 йил-нинг 27 ноябрь куни Нью-Йорк шаҳридаги БМТ қароргоҳида му-ҳим тарихий воқеалик юз берди. БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўшмакорлик Траст фонди таш-кил этилди.

Халқаро ташкилотлар ва хо-рижий давлатларнинг эътибори ҳамда ёрдами яхши натижа бер-моқда. Лекин асосий иш мамла-кат ичкарисида амалга оширил-ди. Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш ташаббусининг илгари сурил-гани инсон ва иқлим фойдаси учун нажот келаси бўлди, десак адашмаймиз. Эзгу ташаббус фа-қат масъул идоралар томонидан амалга оширилмади. Унга ҳисса қўшишни истаган турли соҳа ва-киллари, хусусан, ёшлар кўнгил-ли равишда Мўйноққа оқиб кела бошлади. Натижада, 1 минг 459 тонна саксовул, 73 тонна қора-буруқ уруғи йиғилиб, Оролқумга битталаб қадаб чиқилди. Учоқ билан 326,2 минг гектар, бошқа техникалар ёрдамида 119,4 минг гектар ва қўл меҳ-нати билан 15,3 минг гектар ер

қўқаламзорлаштирилди. Орол денгизи тубида чуқур бурғулаш ишлари олиб борилди. Ҳар бир артезиан қудуғидан сув отилиб чиққан сайин аҳолининг қувончи ҳам булоқдек тўлиб-тошаверди.

Олмон шоири Гёте “Умид би-лан суқилган таёқ, бир кун берар меваю япроқ”, деб ёзганди. Даст-лабки йилнинг ўзида саксовул-лар бўй кўрсатиб, унинг бағрига кўпдан бери кўринмай кетган ноёб ҳайвонлар ва қушлар қайта бошлади. Денгиз атрофида ўса-диган ўсимликлар қайта кўкарди.

Агар “Яшил макон” умум-миллий ҳаракатининг харитаси тузилса, Оролқумдан тортиб олиниб қўқаламзорлаштирил-ган майдоннинг ўзи бир денгиз бўлиб ястаниб ётганини кўриши-миз мумкин.

(Давоми 2-саҳифада.) ➤

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ХУҚУҚСИЗ

ХУҚУҚШУНОС ҚИСМАТИ

Муҳаммадjon Мўминов 1903 йил Наманган шаҳрида туғилган. Дастлаб эски мак-табда, сўнг гимназияда ўқиган. 1917–1920 йилларда мустақил таълим олиб, ёшлар ташкило-тига ишга қиради.

Ўтган асрнинг 20-йилларида ўлкамизда миллий озодлик ҳа-ракати авж олган эди. Больше-виклар халқ қаршилигини тезроқ бостириш ҳамда эътиборни чап-гитиш мақсадида обрў-эътиборли уламо, эл ихлос қўйган йўлбош-чиларни бирин-кетин хуфёна қатл этиб, айбни ўзлари учун ноқулай бўлган, халқ орасида нуфузи ба-ланд миллатпарвар шахсларга тўнкар, шу тариқа бир ўқ билан икки қуёлни урмоқчи бўларди. Ўз даврининг илғор фикрли диний раҳнаомларидан бири ҳисоб-ланган Яхёхон Тўра ана шундай фитна қурбонига айланади. Суи-қасдни амалга оширган босқин-чилар барча айбни маҳаллий ёшлар ташкилотига ағдаради. Табиийки, жазавага тушган му-

ридларнинг қазаби айбсиз айбдор ёшлар етакчиларига қаратилади. Оқибатда Муҳаммадjon 1921 йил сентябрда мутаассиблар таъқибидан қочиб, Қўқон шаҳрига кетишга мажбур бўлади ва ишчи факультетига ўқишга қиради. Орадан бир йил ўтгач, факультет талабалари Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё давлат университетига сафарбар этилади. Уқуви ва лаё-қати билан яққол ажраб турган Муҳаммадjon ишчи факультети-нинг охириги курсига қабул қили-ниб, 1923 йилда уни тамомлайди. Бу пайтга келиб жадиждлар-нинг “Кўмак” ташкилоти сара-ланган йигит-қизларни Герма-ния, Россия, Озарбайжондаги олийгоҳларга йўллаб бошлаган эди. Муҳаммадjonга ҳам омад кулиб қоқиб, у Москва давлат университетининг ҳуқуқшуносл-лик факультетида қиради. У ерда Акмал Икромов, Боту каби кўзга кўринган ёшлар билан ҳамсабоқ бўлади.

(Давоми 7-саҳифада.) ➤

НУҚТАИ НАЗАР

ХАТАРЛИ ХУРУЖЛАР

УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?



МАСАЛА ҚАНЧАЛИК ЖИДДИЙ?

Холис эътироф этиш лозимки, бугунга келиб геосиёсатда дин омили ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш борасида қўштирноқ ичида илгарилар кетган ноҳилис кучлар фаоллиги кундан-кунга кўпроқ кузатишмоқда. Жамиятларни радикаллаштиришда ахборот омили, хусусан, ижтимоий тармоқлар ўта самарали роль ўйнаётгани эса соғлом фикрли ҳар қандай кишини ташвишлантиради.

Бу ҳодисанинг асосий жиҳатларидан қуйидагиларни алоҳида айтиб ўтиш лозим. Анча йиллардан бери дин ғоявий-

мафкуравий таъсир воситаси сифати-да айрим геосиёсий кучлар томонидан муайян ҳудудларда ўз таъсирини ку-чайтириш ёки бошқарувни беқарор-лаштириш мақсадида қўлланмоқда.

Бу жараёнда маъхаблар ва маъхаб-лараро зиддиятлардан ўта самарали фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатила-ди. Жумладан, сунний ва шиъа маъхаб-лари ўртасидаги зиддиятлар айрим давлатларнинг геосиёсий манфаатла-рини илгари суришда қўл келади. Қо-лаверса, сунний маъхаби доирасида шаклланган маъхаблар орасида зид-диятлар ва баҳс-мунозараларни келти-риб чиқаришдан бевосита манфаатдор бўлган кучлар ҳам йўқ эмас.

(Давоми 3-саҳифада.) ➤

ЗУЛМАТ ИЧРА НУР

“...Миркарим Осим ёзувчи бўлиш билан бирга, моҳир таржимон ҳам эди. У Толстой, Гоголь, Чехов, Шо-лохов, Бородин ва Бат каби улуг ёзувчиларнинг асарла-рини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Унинг таржима қилган асарлари ҳам худди ўзининг қиссалари каби мароқ би-лан ўқилади, на бирор гализ жумла, на бирор ноўрин ибора учрайди...”



(2-саҳифада ўқинг.) ➤

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Усмон АЗИМ

XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИНДА ЧУЛПОН ИЛА ЁЗҒОНИМ ШЕЪР

Ўзинг ерсан,
Ўзинг осмон:
Ўзинг шеърсан —
Йиғи ёзгон.
Соғинчинг оламини босгон...
Юрагим ақлидин озгон.
Ўзим — туپроқ,
Сўзим — осмон...

Нечун бормен — йуқолмасмен?
Ёшларимни тўқолмасмен,
Ўзимни ёққоним ёққон —
Ҳасратингни ёқолмасмен.
Ишқингда ёнғоним — достон!
Ёв-ла суҳбат қурмоқ йўқдир,
Озод-озод юрмоқ йўқдир.
Ватан, агар сен бўлмасонг,
Бул дунёда турмоқ йўқдир.
Бул сўзим — чин,
Дунё — ёлғон!



МУЛОҲАЗА

ОЛИМЛАР ТАРЖИМОНЛАРГА ТИРГАК БЎЛСИН

Ўзбек таржимачилигида асосий эътибор бадиий асарларни чет тиллардан она тилимизга ўгиришга қаратилган. Бу борада бизда асрлар бўйи йиғилган бой мерос ва тажриба бор. Шунга қарамай, айрим таржималарда ҳамон хато ва камчиликлар учраб турибди. “Йўқдан кўра бор-ку”, қабилада бундай ҳолатлардан кўз юмадиган вақтлар ўтди. Бугунги ўқувчи ҳақон адабиётини асплятда

ўқийдиган салоҳиятга эга. Демак, уларда таққослаш имконияти туғилмоқда. Мана шу ҳол таржимонлардан янада сергак ва билимли бўлишни, меҳнатдан қочмасликни талаб қилади. Қуйида айрим таржима ишларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Зора, ёш мутаржимларга фойдаси тегса.

(Давоми 6-саҳифада.) ➤

КЕЛАЖАК ОВОЗИ

КУЧ – ИЛМДА

Гулсала БЎТАЕВА – “Келажак бунёдкори” медали соҳибаси, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг 2-босқич талабаси:

– Жорий йилнинг 30 июнида ҳаётимдаги энг унутилмас ҳодиса рўй берди – Давлатимиз раҳбари қўлидан “Келажак бунёдкори” медалини олдим. Назаримда, бу менинг шахсий ютуғим бўлса-да, у минглаб ёшларга илҳом улашди. Чунки биз, минг шуқурлар бўлсинким, ёшларга бекиёс имкониятлар яратилган шундай тинч юртда яшайётган авлодимиз. Бугун дунёда турли урушлар, низолар ва таҳдидлар авж олаётган пайтда, бизга кўпроқ ҳаракат қилиш, замонавий илм-фандан яхши хабардор бўлиш, олға интилиш ва юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш вазифаси юклатилган.



(Давоми 8-саҳифада.) ➤



Бошланиши 1-саҳифада.

БИР КЕЛИБ-КЕТИНГ МҲЙНОҒИМИЗГА!

Биз тарихан қисқа вақтда Давлатимиз раҳбарининг ўндан ортиқ таъширфига гувоҳ бўлдик. Биз учун бир неча ўнлаб фармонлар имзолаганини, юзлаб қарорлар қабул қилганини кўрдик. Айниқса, Мўйноқ туманини сиёсий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари акс этган кўрсатмалари қақраган тупроққа ҳам, ташна дилларга ҳам оби ҳаёт каби таъсир қилди.

Бир вақтлар минтақада балиқчилик локомотиви бўлган Мўйноқнинг фазиси Орол сувлари билан чекинган эди. Иқтисодий танглик одамларни тугилиб-ўсган уйларини тарк этишга мажбур қила бошлаганди...

Шавкат Миромоновичнинг “Маданият Мўйноқдан бошланади!” деган шиори маёҳ бўлиб порлай бошлади. Унинг ёғдуси кўп ўтмай кенг ва раво кўчалар, ижтимоий соҳа объеклари, баланд-баланд турар жойлар, корхоналарнинг кўркам бинолари узра тарала бошлади. Қисқа вақт ичида туман марказига чирой кириб, росмана шаҳарга айланди. 250 ўринли маданият саройи, 800 ўринли амфитеатр, музейлар, шоирлар хиббони, хунармандлар аллеяси, Ажиниёз боғи, болалар дам олиши учун оромгоҳлар ташкил этилди. Янги иш ўринлари очилди.

Мўйноқ туристик ҳудудга айланди. Чет эллардан сайёҳлар кела бошлади. Қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш соҳалари ривожлантирилди. Айниқса, балиқ маҳсулотларидан тайёрланган 99 хил таом фестивали маҳоратли оспазларни кашф қиладиган катта майдонга айланди.

“Қоражар” қишлоғининг тарихида биринчи марта тош ётқизилган йўл қурилди. “Туямўйин” сув омборидан “Қизил жар”, Ҳаким ота, Бўзатов, Амударё, Қипчоқдарё, Учсой, Алишар, Дўстлик овул, Таллиқ овул, Тўқман ота овулларига тоза ичимлик суви етиб борди. Кенг табиат қўйнида қад ростлаган “Ақ кеме” болалар оромгоҳи ўсмирлар дам оладиган хузурубаш масканга айланди.

Энг муҳими, “Маданият Мўйноқдан бошланади!” маёғининг ёғдуси одамлар қалбини нурафшон қилди. Бугун биз Мўйноққа янгилаётган эмас, тўлақонли янги сифатини ишлатамиз.

БЎЗАТОВ ОВОЗИ

Тикилган ўтов – ойдин келажак
Кетадиган бўлди яна йўл солиб.
Омон бўл, ҳайр энди, Бўзатов.
– дея “оқ” чеккан Ажиниёз шоирнинг дардли ноласи фақат китоб саҳифаларида қолиб кетганига кўп бўлди.



ЭЛ ҒАМХЎРИ

Бўзатов бутун бошли Болтиқбўйи давлатлари сиғадиган ҳудудга эга. Туман қайта ташкил этилган, эллика яқин муассаса ва корхоналар иш бошлаб, кўплаб мутахассислар иш ўринларига эга бўлди. 135 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик ривожланди.

Ҳозир бу ерда ўттизга яқин мактаб ва мактаб-гача таълим ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. “Оқ Эден” қишлоғида қурилаётган 200 ўринли санатория биноси битса, Бўзатовда яна 150 иш ўрни очилади.

2019 йил Бўзатов тумани ташкил этилган, Президентимиз ташаббуси билан ёш истеъдод эгалари мана шу гўзал масканга келиб, туманнинг обрўйини, доврўғини бутун Ўзбекистонга танитиш учун “Bo‘zатов FEST” Ёшлар овози танловини юксак савияда ўтказишди. Бу танлов аънавий санъат фестивалига айланиши минтақа ёшларига қаққусқанот бахш этаётгани бор гап.

БУ ЙЎЛЛАР КЎП ЯНГИ ЙЎЛЛАРДИР!

Автомобиль йўллари – иқтисодиётнинг “қон томири”. Сўнгги саккиз йилда соҳага 58 триллион сўм ажратилиб, 2 минг километр йўл қурилди, 100 минг километри таъмирланди. Лойиҳа ҳужжатларининг намуна стандартларидан воз кечилиб, ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятидан келиб чиқиш услубига ўтилди. 1 минг 700 та махсус техника харид қилиниб, йўл хўжалиги корхоналарининг таъминот даражаси оширилди. Янги турдаги асфальт-бетон, цемент-бетон қопламалар жорий этилди. Уларнинг ҳолати 42 турдаги кўрсаткич бўйича текшириб борилади.

Жаҳон банкнинг грант маблағлари ҳисобидан олиб келинган техникалар йўлнинг физик хусусиятларини баҳолаш ва ерости коммуникация тармоқлари ҳолатини қопламани бузмаган ҳолда текшириш имконини беради. Ҳар мавсумда йўлларнинг икки четига ҳар хил турдаги

дарахт кўчатлари экилмоқда. Шунингдек, яшил макон доирасида ишларни янада жадаллаштириш учун йўллар бўйидаги ер майдонларини ижарага бериш жорий этилди.

2025 йил давомида Қорақалпоғистон Республикасида автомобиль йўлларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастур белгиланган бўлиб, режага кўра, жорий йилда жами 782,1 километр автомобиль йўлларини таъмирлаш учун 577,6 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилиши белгиланган. Бу ишлар натижасида транспорт алоқалари яхшиланиши, ҳаракат хавфсизлиги ошиши ва аҳоли учун қулай шароитлар яратилиши кўзда тутилган. Амалга оширилаётган ишлар эса Президентимиз томонидан белгиланган йўл инфратузилмасини модернизация қилиш борасидаги қатъий сиёсат Қорақалпоғистонда ҳам самарали давом этаётганини кўрсатмоқда.

“ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА” РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 мартдаги “Республика ҳудудларида микро гидроэлектр станциялари тармоғини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистонда 5 та янги микро гидроэлектр станция фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Нукус туманида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш мақсадида 3 та микро ГЭС қурилиб, ишга туширилди. “Ақтерек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Бўзатов канали оқимидан фойдаланилган ҳолда қуввати 15 кВт бўлган микро станция қурилди. Бу қурилма йилга 85 минг кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиб, маҳалланинг электр таъминоти барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, “Кердер” овул фуқаролар йиғинига қарашли “Қизил уй” овулидаги Тўртқўл кана-

лининг сув ресурслари асосида қуввати 30 кВт/соат бўлган яна 2 та микро ГЭС фаолияти йўлга қўйилди.

КИРОЙИ ШАҲАР ШУНДАЙ БЎЛСА...

Тахтақўпир туманининг шимоли-шарқий томонида жойлашган Қоратеран қўли бўйидаги “Деҳқон қишлоқ”ликлар илгари Бўрчи тоғнинг тепасига чиқиб қуёшни ҳаммадан олдин кўрамиз деб мактанадиган бўлса, энди “Президент бизга шаҳар қуриб берди”, деб хузурланадиган бўлди.

Қўл атрофи ва яқин қишлоқлар кўп йиллардан буён қаровсиз қолиб, ижтимоий объектлар, уй-жойлар, инфратузилма объектилари яроқсиз аҳволга келиб қолган, ишсизлик одамларни қийнаётган энг катта муаммолардан бирига айланган эди. Тахтақўпир марказидан кўлгача олиб боровчи 18 километр йўлга қум-шағал аралашмаси тўшалиб, асфальтланди. Қўл бўйига 223 донна бетон таянч устунлари ўрнатилди ва сув тозалаш иншооти қурилди.

Бўрчитов тоғига қиқш учун узунлиги 130 метр, баландлиги 80 метр, кенглиги эса 3 метр, темир-бетондан ишланган 272 та зинапоядан иборат йўл бунёд бўлди. 30 миллиард сўмлик ушбу туристик маскан Қоратеранга келувчиларнинг мазмунли дам олиши учун сеvimли бир жойга айланди.

“БУНДА БУЛБУЛ КИТОБ ЎҚИЙДИ”

Нукус шаҳрида Президент мактабининг очилиши тарихий воқеа бўлди. Ўқиш STEM йўналишида Кембриж ва маҳаллий ўқув дастури асосида қорақалпоқ ва инглиз тилларида олиб бориляпти.

Бўнинг ёнида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов номидаги тил ўрганишга ихтисослаштирилган мактаб ҳам биринчилардан бўлиб истеъдодли ўғил-қизларни ўз бағрига олди. Ота-оналарининг озуларидоғина бўлган бу мактабда бугун икки юзга яқин бола таълим-тарбия оляпти.

Бундан ташқари, бевосита Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили минглаб ёшлар квота асосида олий ўқув юртлирининг талабалари бўлиш бахтига муяссар бўлмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали, Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали, опера ва бахшчилик санъати га ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолияти йўлга қўйилгани бир ён бўлди, Бердақ номидаги давлат мусиқа-ли драма театрига академик театр макомининг берилиши бир ён бўлди.

Ҳозирда 24 та мусиқа мактабиде тажрибали устозлар иқтидорли ёшларга сабоқ бермоқда.

Адабиётда эришган ютуқлари учун ўнга яқин қорақалпоқ ёзувчи-шоирлари давлат мукофотларига лойиқ қўрилди. Яна бир тарихда қўрилмаган воқеа: “Қорақалпоқ адабиётининг дурдоналари” кўп жилдлигини чиқаришга кўрсатма берилди.

Пойтахтимиздаги Адиблар хиббонида кўр тўкиб турган Бердақ, Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қайипбергенов ҳайкалларига боқиб фахр туямиз. Мумтоз шоир ва тараққийпарвар Ажиниёз Қўсийой ўғлининг 200 йиллигини нишонлаш ҳақидаги Президент қарори эълон қилинди. Тошкент шаҳрида, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида “Қорақалпоқ адабиёти кунлари” бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси адабиётимизга эҳтиром намунаси, меҳр ва ҳурматнинг белгиси.

Улуғ шоир Бердақ бир шеърисида шундай ёзади: “*Эл-юртчини ўйлаган*
Эл ғамхўри керак менга”.

Бугун ана шундай эл ғамхўри юрт бошида тургани бизга фахр ва қувонч бағишлайди. Эзгу ишларнинг якуни бўлмайди. Яхши одамлар бор экан, яхши ишлар давом этаверади.

Бекназар ЕРНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон Ёзувчилар
уюшмаси масъул котиби

14 АВГУСТ – МИРКАРИМ ОСИМ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҲН

Иброҳим ҒАҒУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЗУЛМАТ ИЧРА НҲР

Ўқувчилик йилларимда атоқли адиб Миркарим Осим асарларига жуда қизиқиб қолдим. У киши қаламга олган Жалолиддин Мангуберди, Машраб, Навоий каби буюк тарихий сиймоларимиз образлари мени мафтун қилиб қўйганди. Яна бир гапни таъкидлаб ўтишим керакки, у даврларда тарихий шахслар ҳаётини ёритиш ниҳоятда қалтис иш эди: салга сен ўтмишни идеаллаштиряпсан, совет мафқурасига қарши чиқаяпсан, деб жувонмарг қилиб юборишлари ҳеч гап эмас эди. Ана шундай масъул вазифани ўз зиммасига олган, қатагон чигириқларидан руҳан омон чиққан бу Алпомиш адибни кўриш, суҳбат қуриш биз ёшлар учун жуда катта орзу саналарди.

Ўқишни тугатиб, Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёти нашриётида ишлаш бошладим. Тақдирнинг туҳфасини қарангки, Миркарим Осим домла ҳам шу ерда меҳнат қилар экан. Бир умр ўзим интилган ёзувчим билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлганман. Бу бахт менга Миркарим Осим ижодию шахсияти билан ҳам яқинроқ танишиб олишга имкон яратди ва устоздан жуда кўп нар-



са ўргандим. Мен ҳозиргача Миркарим Осим асарларини севиб ўқийман, худди биринчи марта ўқиётгандай хурсанд бўлиб, завқланиб мутлоаа қиламан!

Миркарим Осим ёзувчи бўлиш билан бирга, мохир таржимон ҳам эди. У Толстой, Гоголь, Чехов, Шолохов, Бородин ва Бат каби улуг ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Унинг таржималари ҳам худди ўзининг қиссалари каби мароқ билан ўқилади, на бирор ғализ

жумла, на бирор ноўрин ибора учрайди. Чет эл муаллифларининг асарларига юксак маданият билан ёндашишни Миркарим Осим таржималаридан ўрганганман. Том маънода шуни айтилоаманки, мен таржимонликка Миркарим Осимнинг бу борадаги санъатига қизиқиб орқали кириб келганман. Устоз ўттизинчи, қирқинчи йилларда қилган таржималари ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини, оҳорини йўқотмаган. Улар аслиятга яқинлик билан ажралиб туради.

яна ижод майдонига қайтди ва кўплаб асарлар яратди.

Миркарим Осим “Ўтпор”, “Тўмарис”, “Темур Малик”, “Александр ва Спитамен” каби асарларига миллат қаҳрамонларини янги руҳда тараннум этган.

“Моҳларойим ва Хонпошша”, “Карвон кўнғироғи”, “Элчилар” каби асарлар ўша даврнинг турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлари ва шахсий феолиларини ўз ичига олади.

“Зулмат ичра нур” (Алишер Навоий ҳақида), “Жайхун устида булутлар” (Беруний ҳақида), “Ибн Сино қиссаси”, “Алжабрнинг туғилиши” (Ал-Хоразмий ҳақида), “Синган сетор” (Машраб ҳақида) каби асарлари билан ёзувчи халқдан атай олис тутилган даҳолар ҳаётига ойдинлик киритиб, маънавий жасорат намунасини намоян этган.

Миркарим Осимнинг “Астробод” номи билан танилган тарихий қиссалар туркумида Навоий ҳаётини теран ифода этувчи “Астробод”, “Алишер Навоий ва Дарвеш-али”, “Бадарга”, “Навоийнинг хислатлари”, “Улуғбек ва Навоий” каби асарлар муҳим ўрин тутлади.

ИБРАТ

Яхшиликнинг қаноти бор, деган гап тўғри экан. Газетамизнинг 25 июлдаги 30-сонида урганчилик тадбиркорлар – ота-бола Абдуллаевларнинг замонавий кутубхоналар ва китоб дўконлари очгани ҳақида мақола чоп этилган эди. Уни ўқиган самарқандлик муштарийларимиз “Биз томонга ҳам бир қараб қўйинг, опагинам, Пахтачидаги кутубхонани кўрсангиз, баҳри дилингиз очилиб, сиз ҳам бир мақола ёзиб юборасиз”, деб кўнғироқ қилишди.



ИШДАН ЗАВҚЛАНАДИГАН ДАВР КЕЛДИ

Дарҳақиқат, Пахтачи туман маркази – Зиёвуддин шаҳарчасида маърифатли тадбиркор Шавкат Мирзаев томонидан муҳташам кутубхона қурилиб, фойдаланишга топширилган экан. Бошида ишбилармон юртдошимиз жадид боболар изидан бориб, “Халқ кутубхонаси”ни ташкил этишни орзу қилган. Янги бино битган, бир муддат хусусий кутубхона ва китоб дўкони сифатида фаолият кўрсатади. Шу пайтда туман раҳбарияти марказлашган кутубхона учун бино қидираётганидан хабар топади. У шахсий манфаатидан воз кечган ҳолда биночини туман Ахборот-кутубхона маркази тасарруфига топширади.

Замонавий услубда қад ростлаган бинога кирар экансиз, кутубхоначиларнинг мамнун чехраси, самимий муомаласи кўнглингизни ёритади. Кўзингиз беихтиёр ўн уч қатор қилиб терилган китоб жавонларига тушади. Улар атрофида китобхоналарга қулайлик яратиш мақсадида қўйилган юмшоқ мебеллар, сўнгги русумдаги компьютер жамланмалари, стол-стуллари қўриб, пойтахтдаги Миллий кутубхонага кириб қолдимми, деб ўйлайсиз. Бу ерда 20 мингдан ортиқ ўзбек тилидаги китоб фонди борлигини эшитган ҳар қандай китобсевар “замонимдан айланай” деб юбориши аниқ. – 1983 йилдан буён шу соҳада ишлайман, – дейди Пахтачи тумани АКМ директори Дилором Ўткирова. – Ўтган йиллар мобайнида кутубхоналар оғир шароитда фаолият юритди. Уларни турли ташкилотларга қўшиб-айириб, сарсон этишди. Бинолар ўзгариши, тез-тез қўчиши китоблар сифатига жиддий таъсир кўрсатди. Энг кераксиз соҳа бўлиб қолганди-да кутубхоначилик. Ўн мингдан зиёд китоб фондимиш кўча-кўчада йўқ бўлиб кетди. Эсласам, ҳали-ҳамон ичим ачишади. Зах, қоронғи хоналарда қават-қават иссиқ кийимлар қийиб ишлаганмиз. Китоб ўқийдиганлар жуда кам эди. Баъзан бирор китобхон кепарикман, деган умидда кун бўйи эшик қарардик. Шундаям фидойи кутубхоначиларимиз бошқа ишга ўтиб кетмади. Сув келса си-мириди, тош келса кемириди. Кейин барчаси тубдан ўзгариб кетди. Кутубхоналарга янги нафас кириб келди. Маошлар

оширилди, янги китоблар тақдим этилди.

Туман масъулари билан марказлашган кутубхона учун жой излаб юрган кўнларимизда Шавкат Мирзаев мушкул-мизни осон қилди. 2024 йилнинг апрелида 4345 донна китоб билан янги бинога кўчдик. Энди ишламасак уят бўлади. Ҳозир нафақат ўқув зали, тадбирлар учун ҳам алоҳида хонамиз, стол-стуллисиз бор. Катта йиғинларда ҳам ҳеч ким тик туриб қолмайди.

Кутубхонада ахборот-компьютер технологиялари бўлими ташкил этилган бўлиб, бу ердаги барча китоб, газета ва журналлар, ўқув қўлланмалари шу бўлим орқали электрон дастурга киритилади, китоблар аннотацияси тузилади. Шунингдек, бадиий ва илмий адабиётлар кутубхона сайтига номма-ном жойланади.

Ўн бир нафар ходимнинг қўли-қўлига тегмайди бугун. Китоблар сони ошгани сайин китобхоналар ҳам кўпайган. Эшик тушлик пайтида ҳам беркитилмайди.

– Китоб жавонлари оралаб ишлаш завқ берадиган замоналар келди, – дейди Дилором опа. – Туманимизда туғилиб, ижод йўлидан кетган шоир ва ёзувчилар эса янги нашр этилган китобларининг тақдимотларини шу ердан бошлашади. Қизиқ бир гап: илгари одамлар олган китобини, “боламини қўлига тушиб қолибди”, деб чизиб ташлаган, йиртилган ҳолатда қайтариб келаверарди. Ҳозир унақа гап йўқ. Кутубхонанинг салобатига қараб китобхоналарнинг муносабати ҳам ўзгараркан. Бунга узоқ йиллик фаолиятимда амин бўлдим.

Кутубхонадаги саккиз мингдан ошиқ жаҳон адабиёти дурдоналарининг танлаб келтирилгани марказий кутубхона раҳбарининг адабий диди баландлигини кўрсатиб турибди. У иш жараёнида китобхоналарга ҳам сара асарлар ўқишни тавсия қилади, мижозларининг ижодий тафаккурини ривожлантирадиган китоблар билан таъминлайди. Зеро, кутубхоначиликнинг асл санъати ва моҳияти ҳам ана шунда.

Муҳайё РУСТАМОВА



Бошланиши 1-саҳифада.

Айрим Яқин Шарқ мамлакатларида ёки алоҳида минтақаларда сиёсий беқарорлик келтириб чиқарган ёхуд чиқаришга уринаётган баъзи радикал гуруҳлар ўз ҳаракатларини “илоҳий миссия” сифатида талқин қилиб, сиёсий мақсадларини “диний манфаатларни ҳимоялаш” деб изоҳламоқда. Айнан шу ўринда ахборот омилининг жамиятни радикаллаштиришдаги роли яққол кўзга ташланади. Масс-медиа ва интернет орқали диний радикал гуруҳлар ўз ғояларини кенг оммага етказиш учун қилаётган ҳаракати экспертларни шундай ҳулосага ундайди.

Бу жараёнда фейк янгиликлар, монтаж қилинган видеолар, манипуляция сингдирилган медиа маҳсулотлар ва ноҳолис талқиндаги оятлар ҳамда ҳадислар орқали одамларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этилади.

“Мазлумлик” образи яратилиб, ёшларни ёлғон “жиҳод”га жалб қилиш осонлашади. Асосан ёшлар аудиториясини қамраган тармоқли коммуникация манбалари – Telegram, YouTube, TikTok, Discord, Dark Web сингари платформалар жамиятларни радикаллаштириш лойиҳаларини амалга оширишда қўл келади.

Шу ўринда ахборотнинг психологик таъсирини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Инсон ҳис-туйғуларига кучли таъсир ўтказиш мақсадида яратилган тасвирлар, видеолар ёки иллюстрациялар, драматик фильмлар, “жанна-ти шаҳидлар” ҳақидаги кинолар, сериаллар, радикал ва экстремистик мазмундаги видеороликлар кўзланган ғаразли мақсадга етишда улкан роль ўйнайди.

Ноҳолис диний таълимотни қабул қилиб олаётган кимсалар манипуляцияга асосланган фикрларга ишонишга мойил бўлганлари учун ахборот кўмағида радикаллаштириш жараёнида дунёвий илми, диний тасаввурулари ғариб бўлган биринчи қатлам сифатида қурбонга айланади.

Радикал гуруҳлар эса бундан, албатта, устомонлик билан фойдаланишади. Қурбонлар онгига аввал ахборот хуружи орқали зиддиятли саволларни туғдиради. Сўнг ўзи яшаётган жамият ва мавжуд тузимдан бундай саволларга гўёки жавоб ололмаган манқуртлар онгига осонлик билан тажовузкор ғояларни сингдиради.

Шу ўринда алоҳида эътибор қаратиш ва албатта инобатга олиш лозим бўлган бир жиҳат бор. Дунёнинг қайсидир бурчагида радикаллашув омили кузатилаётган бўлса, билингки, унга улкан турткини, шубҳасиз, геосиёсий мақсадлар бермоқда. Мавжуд тузумга қарши ҳаракат қилувчи гуруҳлар воситасида диний гуруҳларни молиялаштирадиган ёки уларни қўллаб-қувватлайдиган давлатлар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Айнан шу жараёнга ахборот ва оммавий ахборот воситалари геосиёсий таъсир қуроли сифатида хизмат қилиб, фуқаролик уруши, қочқинлар муаммоси ва ички беқарорликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, геосиёсий манфаатлар доирасидаги ҳудудий таъсирни кенгайтириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида муайян бир ҳудудни, диний озчилик ёки этник гуруҳни “қутқариш” борасидаги даъволар иддао қилиниб, бошқа давлатнинг ички ишларига аралашши ҳам кузатилади.

Шу тарзда дин омили радикаллашув жараёнида символ ва эмоционал таъсир воситасига, ахборот омили эса геосиёсатнинг амалий қуролига айлантирилади. Бу икки омил биргаликда қўлланилганда инсон онгига таъсир қилиш, ёшлар онгига радикал ғояларни сингдириш, ички сиёсий барқарорлик издан чиқиши каби ҳодисалар содир бўлади. Бу ҳолатни айрим Яқин Шарқ, Африка, Осиё ва Океания мамлакатлари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ БОРАСИДА ЭКСПЕРТЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Доктор Рехам САЛАМА, Миср Араб Республикасидаги экстремизмга қарши кураш “Ал-Азхар” обсерваторияси директори:

– Бугун дунёда айрим жамиятлар, хусусан, ёшларнинг радикал ғоялар таъсирига тушиб қолишида ахборот омили катта ўрин тутмоқда. Шу боис биз дастлаб илмий марказ сифатида ташкил этилган расадхонамизнинг функционал вазифасини маълум маънода ўзгартириб, оммавий ахборот воситаларида, айниқса, ижтимоий тармоқларда фаоллаштириш мақсад қилдик.

Обсерваториянинг бош мақсади эса Ал-Азхар мажмуасининг инсонпарварлик миссияси ва халқаро ҳамжамиятдаги ижтимоий роли доирасида барча кўринишдаги терроризм ва



ХАТАРЛИ ХУРУЖЛАР

УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

экстремизм ғоялари ҳамда мафкураларни кузатиб бориш, уларга ахборот воситалари



кўмағида қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Айни пайтда биз дунёнинг барча жойларида яшовчи мусулмонларнинг ҳаётини ёритиб бориш, Ислом дини ҳақидаги ҳақиқатни тўғри етказиш ва динимизда акс этган инсоний қадриятларни очиб бериш мақсадида ўн уч тилда медиа маҳсулотлар ва материаллар тайёрлаяпмиз.

Тадқиқотчиларимиз турли террористик ва экстремистик ташкилотлар томонидан эълон қилинаётган материаллар, Ислом дини ва мусулмонларнинг ҳаётига оид барча мақолалар, фикрлар, жараёнлар, амалга оширилаётган тадқиқотларни диққат билан кузатиб боради. Шу билан бирга, терроризм ва экстремизм ғояларига қарши тайёрланган материалларни веб-сайтларда, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда, экстремизм ва терроризмга оид тадқиқот марказларида, телеканалларда, газета ва журналларда эълон қилиб бориш йўлга қўйилган. Бундан кўзланган мақсад эса экстремистлар томонидан тарқатилган нотўғри ғояларга қарши курашиш, бағрикенгликни тарғиб қилиш, мўътадил Ислом динининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатиб беришдан иборат. Марказимизда 18 та бўлим ва 110 нафар ходим айнан шу мақсад йўлида фаолият юритмоқда.

Доктор Муҳаммад ҲАССАН, Миср Араб Республикасидаги “Салам” экстремизмни ўрганиш ва исломофобияга қарши курашиш маркази директори:

– Чиндан ҳам радикал, экстремистик ва террористик ғояларга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс, айниқса, онлайн сабоқлар, диний мазмундаги маърузалар ва даъватлар кенг оммалашиб кетган бугунги кунда. Бизнинг марказимизда бу борада жадал ишлар бошланганига анча бўлди. Биз бузгунчи ғояларни тарғиб этаётган кимсаларга жавоб қайтаришда уларнинг шахсига урғу бермаймиз, чунки бу ҳол унинг янада оммалашиб кетишига хизмат қилиши мумкин. Уни обрўсизлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар ҳам акс таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳозирча бу борада ўзини оқлаётган ечим шуки, жамиятларни радикаллаштиришда ах-

борот омилининг яққол устунликка эга эканлигини тан олган ҳолда, мавзуга оид соғлом ахборотни тарқатиш ва шундай ахборотни ишлаб чикувчи марказлар фаолиятини самарали ташкил этиш лозим. Айнан шу эҳтиёждан келиб чиқиб ташкил этилган марказимизда юздан ортиқ киши фаолият кўрсатмоқда.

Биз интернетдаги барча платформалар, хусусан, ижтимоий тармоқларда фаолият олиб бораётган радикал воизлар ҳамда экстремистик ва террористик ғояларни тарғиб этаётган шахсларнинг чиқишларини мунтазам куза-



тувга олганмиз. Жамиятимизда зиддиятларга олиб келиши мумкин бўлган диний мазмундаги ҳар қандай ғояга, фатво ва бошқа даъватларга тезкорлик билан жавоб қайтарамиз.

Мамлакатдаги оммавий ахборот воситаларида учраётган экстремистик қаҳриқларга оид калит сўзларни аниқлаб, бундай контентларнинг кенг тарқалишидан олдин превентив тарзда ўчирилишни, шахсга урғу бермаган ҳолда мавзу юзасидан аниқ шаръий ва қонуний нуқтаи назарларни баён этувчи медиа маҳсулотларни ишлаб чиқишни йўлга қўйганмиз.

Доктор Тоҳа НАЖИМ, Миср Араб Республикасидаги Искандария университетининг оммавий ахборот воситалари билан ишлаб бошқармаси бошлиғи:

– Бугун маълум маънода воқеикӣ тезлашиб кетди. Жамиятда содир бўлаётган бирор-бир ҳодисани илмий жиҳатдан пухта таҳлил қилиб, у ҳақда илмий тадқиқотлар ўтказиб, салмоқли илмий китоб ёзиб, уни кимгадир ўқитишга жазм қилган одамлар биров кечикиб ҳам қоляпти...



Қолаверса, ҳозирги ёшларнинг бундай китобларни ўқишга сабри етаримикан?!

Жуда катта қисми ижтимоий тармоқларнинг ўта фаол фойдаланувчилари бўлган бугунги авлод онгига радикал ғоялар айнан шу “туйнук”лар орқали йўл тояпти. Демак, ижтимоий тармоқларда соғлом ғояларни тарғиб этиш ва радикал ғояларга асосли раддияларни оммалаштириш устида ишлаш лозим. Бу борада кино санъатининг, уй бекаларининг сеvimли эрмаги бўлган сериалларнинг, интернет платформаларида кенг оммалашган ижтимоий тармоқларнинг ва шу тармоқларда “харидоригир” ҳисобланган турли жанрлардаги видеороликларнинг ўрнини инобатга олиш керак.

Бу мулоҳазалар “Зиё” медиа маркази ва

килларининг Миср Араб Республикаси ва Туркияга ижодий сафари мобайнида тинланди. Мисрдаги “Дорул ифто” Фатво уюшмаси, Искандария кутубхонаси, Туркиядаги Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ этиш IRCICA ташкилотининг яна бир қанча тажрибали экспертлари ҳам шунга ўхшаш мулоҳазаларни билдириб ўтишди.

РАДИКАЛ АХБОРОТ ХУРУЖИГА ҚАРШИ КУРАШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ ЗАРУР?

Авалло, зарарли ахборотларнинг превентив ўчирилишини йўлга қўйиш лозим. Бу цензура эмас, балки миллий хавфсизлик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муқаррар ғоявий-мафкурарий хавфдан аҳоли, хусусан, ёшларни ҳимоялаш усулидир. Дарвоқе, “Салам” экстремизмни ўрганиш ва исломофобияга қарши курашиш маркази директори доктор Муҳаммад Ҳассан ҳам ўз интервьюсида бу борада қисман тўхталиб ўтган эди.

Шу ўринда превентив тарзда ўчирилиш нима эканлигини изоҳлаш лозим. “Превентив” атамаси латинча “praeventio” сўзидан олинган бўлиб, “олдини олиш” деган маънони англатади. Превентив тарзда ўчирилиш эса, экстремизм, радикализм ёки зўравонликни тарғиб қилувчи контентни топиб, уни ижтимоий тармоқларда тарқалишидан олдин йўқ қилиш, демакдир.

Кўпчиликда “бу техник жиҳатдан қандай ишлайди”, деган савол туғилиши табиий. Албатта, ушбу дастур интернет алгоритмларига хос тарзда ишлайди. Унда “Калит сўзлар” жамланмиси мавжуд. Марказ ва ҳамкорлар томонидан шакллантирилган маълум бир калит сўзлар ва ифодалар рўйхатини ўз ичига олади. Масалан, “жиҳод” сўзи ва унинг синонимларини, “кофирларга қарши курашиш”, “шаҳидлик”, “бомба тайёрлаш” ва ҳоказоларни.

Бундан ташқари, интернетда хавотирга сабаб бўлаётган контентлар мунтазам кузатиб борилади (web crawling). Аниқланган калит сўзлар асосида веб-сайтлар, блоглар, видеолар, ижтимоий тармоқлардаги постлар ҳам автоматик равишда ўрганилади. Зўравонликка даъват, ёлғон фатволар, ёшларни радикаллаштиришга уринишлар ва шунга ўхшаш ҳолатлар аниқланса, ушбу контент платформага юборилади ва тарқалишдан аввал ўчирилади.

Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, бу жараён контент кенг оммага етмасидан аввал саноқли лаҳзалар ичида амалга ошади, яъни одамлар уни қўриб улгурмасидан аввал фойдаланувчининг профили блоккланиши, видеоси ўчирилиши ёки пости йўқ қилиниши мумкин.

Бу эса ёшлар ва кенг жамоатчилиқнинг радикал ғоялар таъсирига тушиб қоламаслигида, террористик ҳаракатларни режалаштиришнинг олдини олишда ва интернет ахборот тармоғининг экстремистлар учун ёллаш воситасига айланишига йўл қўймасликда самарали чора бўлиши мумкин.

Қолаверса, ахборот-таҳлил ва медиа марказлар фаолиятини такомиллаштириш лозим. Чунки ҳар қандай дунёвий давлат олдида диний қарашларга дахл қилмаслик, ҳеч бир динни бошқа диндан устун қўймаслик, динлараро ва мазҳаблараро бағрикенглик тамойилларини, миллатлар ўртасидаги тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, диний ақидалар ва тушунчаларнинг ўта радикал шаклга киришига ҳамда жамиятнинг ради-

каллашиб кетишига йўл қўймаслик вазифалари кўндаланг туради.

Бу вазифалар пухта илмий салоҳият ҳамда шу салоҳиятга таянган ахборотни кенг ёйиш, бузгунчи ва экстремистик ғояларга берилажак малакали илмий-таҳлилий жавобларни аҳолига ўз вақтида етказиш орқали амалга оширилади. Ахборот омили айнан шу ўринда жиддий роль ўйнайди.

Дунёда шундай вазифаларни бажараётган бир талай марказлар бор. Бу ўринда Гаагада жойлашган International Centre for Counter-Terrorism (ICCT) марказини, Лондондаги Institute for Strategic Dialogue (ISD) институтини, Global Research Network on Terrorism and Technology (RUSI) марказини, Мэриленд университетининг таълим-тадқиқот марказини ҳисобланган National Consortium for the Study of Terrorism and Responses to Terrorism (START) марказини, БАА пойтахти Абу-Даби шаҳридаги Hedayah – International Center of Excellence for Countering Violent Extremism марказини, Париждаги European Union Institute for Security Studies (EUISS) институтини, Чехиядаги Centre Against Terrorism and Hybrid Threats марказини, Сингапурдаги S. Rajaratnam School of International Studies (RSIS) хавфсизлик ва стратегик тадқиқот институтини, АҚШнинг Ҳонолулу шаҳридаги, Осиё-Тинч океани региони бўйича фаолият кўрсатувчи Asia-Pacific Center for Security Studies (DKI APCSS) марказини, Bangladesh Institute of Peace & Security Studies (BIPSS) марказини ва яна ўнлаб ташкилотларни санаб ўтиш мумкин.

Эътибор беринг, бундай марказлар ташкил қилинган мамлакатларда ёшларнинг радикаллашиши, экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолиши билан боғлиқ муаммолар деярли бартараф этилган. Чунки бундай марказлар оммавий ахборот воситалари орқали экстремистик оқимларни статистик таҳлил қилиш, дезинформацияга қарши курашиш, гибрид таҳдидларга қарши тегишли чоралар қўлаш, ўқув-семинар ва тренинглар ўтказиш, интернетда тарқатилмаётган экстремистик материалларни мониторинг ва онлайн таҳлил қилиб, уларга қарши курашиш бўйича турли стратегияларни амалга оширади. Демак, оммавий ахборот воситалари, жумладан, ижтимоий тармоқлардаги стратегик қадамларнинг ишлаб чиқиши ва пухта режа асосида бошқарилиши юрт тақдирига дахлдор ҳодисага айланиши мумкинлигини тан олган ҳолда, ахборот-таҳлил ва медиа марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш чораларини қўриш лозим.

ХУЛОСА


Шубҳасиз, бугунга келиб ахборот омили замонавий радикаллашув жараёнида энг хавфли ва таъсирчан қурооллардан бирига айланган. Айниқса, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган дезинформация, фейк янгиликлар, манипуляция сингдирилган диний матнлар ва эмоционал видеолар ёшлар онгига кучли таъсир кўрсатиб, уларни радикал ғояларга мойил қилиб қўяётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бу эса геосиёсат юриштишда устаси фаранг бўлиб кетган айрим ғаразли кучлар учун жуда қўл келиши табиий. Натижада геосиёсий кучлар дин омили ва ахборот технологияларидан биргаликда фойдалланиб, ҳудудий беқарорлик ва зиддиятларни келтириб чиқаришдан тўхтамаяпти. Мазҳаблараро низолар, “мазлумлик” образи ва нотўғри фатволар орқали радикал гуруҳлар ўзларининг сиёсий мақсадларини диний даъват билан ниқоблаб, ўз таъсир доирасини кенгайтириб бораётгани ҳам бор гап.

Миср ва Туркиядаги бир қатор экспертлар таъкидлаганидек, радикал ғояларга қарши самарали кураш фақат шахсини обрўсизлантириш орқали эмас, балки соғлом, илмий асосланган, бағрикенгликка даъват этувчи ахборотни тизимли тарқатиш билан амалга оширилиши мумкин. Бу жараёнда превентив ўчириш, калит сўзлар ва автоматик мониторинг орқали экстремистик материалларни аниқлаш, ижтимоий тармоқларда тезкор ва асосли раддиялар бериб бориш, ОАВ орқали радикал ғояларга қарши бўлган медиа маҳсулотлар, мақолалар ва ҳоказоларни оммалаштириш жуда муҳим.

Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида шу мақсад йўлида фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот ва медиа марказлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, ахборотни жиловлаш, назорат қилиш ва бошқариш билан радикаллашувнинг олдини олиш мумкин. Ҳа, айнан шундай. Бундай марказлар гибрид таҳдидларга қарши стратегияларни ишлаб чиқиш, статистик таҳлил, тренинг ва онлайн мониторинг орқали ёшларнинг экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолиш хавфини кескин қайтайтиради. Айнан шу маънода, ахборот омилини назорат қилиш ва ундан соғлом контент тарқатишда фойдалланиш – радикаллашувга қарши энг самарали воситадир, дейиш мумкин. Бунинг учун миллий ва халқаро илмий марказлар, оммавий ахборот воситалари ва давлат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилиши зарур.

Абдулҳамид МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
Уюшмаси аъзоси




“Энг хавфли дунёқараш – дунё кўрмаганларнинг дунёқарашини.”

Эрих Мария РЕМАРК

”



ОЙДИНЛАР

ЖЎРА ҚОРИ
БЎТАКЎЗ

Кимдир билди, кимдир билмай қолди – шу йилнинг 7 август кuni ўзбек халқи, миллатимиз ўзининг улкан бир зиёлисидан, қалбю орзу-армонлари тоғлардай юксак ўлуғ фарзандидан айрилди. Маъшур ватандошимиз, маърифатпарвар инсон, замонамиз жадидларидан бири Жўра қори Бўтакўз 99 ёшда бу ёруғ дунёни тарк этди.

Турили манбалар, хусусан, адибнинг 2013 йил Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган “Бўтакўзнома” биографик асари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малик, шоир Шукур Қурбон, Абдулла Қодирийнинг фарзанди Ҳабибулла Қодирий, набиралари Хондамир ва Шерқон Қодирийларнинг эсдаликлари, ёзувчи Хайридин Султоннинг “Навоий – 30” китобидаги “Ойдин”да юрган одамлар” ҳикояси, шунингдек, “Youtube”да “Мистер Отабек” тахаллусли блогер билан қилган суҳбати орқали мен бу зотнинг таржимаи ҳоли, ажойиб бир асарга мавзу бўладиган саргузаштларга бой ҳаёти, қизгин ижтимоий фаолияти ҳақида озми-кўпми хабардор эдим.

1926 йили Андижон вилоятида туғилган бу заҳматкаш ва фидойи, бедор қалб эгасининг умри давомида бошидан не савдолар ўтмаган, дейсиз. Беғубор болалик чоғларидан бошланган саргардонликлар, мусофирликнинг аччиқ дамлари, ватандан айро, киндик қони томган азиз туپроқдан йироқда кечган оғир ва машаққатли, соғинчу изтиробларга тўла йиллар... Айтишга осон, аммо ўша дардли, ғуссали кунларнинг азоб-уқубатларини шу даврда яшаб кўрганларгина ҳис этишлари мумкин.

Тақдир тақозоси билан етти ёшда она юрти тарк этган Жўра қори Бўтакўз узоқ умри давомида ўндан зиёд мамлакатда яшашга мажбур бўлган.

Бирок у дунёнинг қайси ери, қайси давлатида яшамасин, бутун вужуди, қалби билан қамаша ўзбек, ўзбекпараст, чин миллатпарвар бўлиб қолди.

Мустабид тузум Жўра қори Бўтакўз сингари минглаб инсонларни туғилган диёридан жудо қилган бўлиши мумкин, аммо иймонидан, виждонидан, юрагидаги эл-юртига бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуларидан айролмаган эди.

Хорижда, ёт ўлкаларда Ватан соғинчи билан ўртаниб яшаб ўтганлар қанча. Лекин уларнинг барчасига ҳам умрининг сўнгги онларини она юртида ўтказиш буюрмаган.

Аллоҳнинг иноятини қарангки, ана шундай улуг саодат Жўра қори Бўтакўзга насиб этди. Ул зотни ақиндан билган одамларнинг айтишига қараганда, Жўра қори домла сўнгги 20 йил мобайнида олис Америка диёрининг Нью-Жерси штатидаги хонадонидан ҳар йили қанда қилмасдан, Ўзбекистонга келиб, бир-икки ой туғилган юртида яшаб кетар экан. Бутун умр чеккан азоблари, армону андуҳлари ҳаққи, Яратган эгам бу азиз бандасини ўзининг чексиз марҳамати ила сийлади – ниятини ижобат айлади: у ўзи орзу қилганидек, жонажон Ватанида омонатини топширди. Парвардигори олам бу мўътабар мўйсифидни ўз раҳматига олган бўлсин.

Донишмандлар, инсоннинг иккинчи умри – ундан қоладиган солиҳ авлодлар, қилган эзгу амалларидир, дейдилар. Марҳум ватандошимиз ана шундай улкан шарафга мўяссар бўлган зот экани унинг ҳаёт йўли мисолида аққол намоён бўлиб туради.

Афсуски, бутунги ўзбек жамоатчилиги у кишининг шахсияти ва фаолияти билан етарли даражада таниш эмас. Шу маънода, ижодий ташкилотлар, ноширларимиз олдида, зиёлиларимиз олдида Жўра қори домланинг ҳозир АҚШда истиқомат қилаётган авлодлари билан боғланиб, унинг маънавий меросини ўрганиш, юртимизда тарғибу ташвиқ қилиш вазифаси турибди. Жумладан, фидойи маърифатпарварнинг юрак қони билан битилган умр китоби – “Бўтакўзнома” асари замонавий матбаачилик талаблари асосида, катта тиражда қайта нашр этилса, нур устига нур бўлур эди.

Қуйида ана шу ёдномадан кичик бир лавҳани эътиборингизга тақдим этар эканмиз, Жўра қори Бўтакўз домланинг ҳақларига дуо қилиб қоламиз.

Элмурод НИШОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Мен ижтимоий кўринишга сиёсий тасаввур билан қараб, “Бўтакўз” лақабини олудим. Бўтадан муродим – бўталоқ, кўздан мақсад – унинг маъсум кўзи эди. Туянинг устидаги гўл (кишан), буридаги арқон, арқоннинг учи сарбонда, сарбон мақсад-манзили сари етакламоқда. Бўталоқ эса, онанинг кетидан бу сафардан бирор нарсаси фаҳмламай кетмоқда.

Мустабидлар Ўрта Осиёнинг ер ости бойликларини полвон машиналарда қовлаб чиқариб, қатор-қатор вагонларда ташиб кетмоқда. Ўрта Осиё халқлари бойликларини ташиб кетмоқдалар. Ўрта Осиё улуслари қўл қовуштириб турмоқдалар. Бундан бошқа чоралари ҳам йўқ. Мана шу тасаввур “Бўтакўз” лақабини олишимга сабаб бўлудин...

Ўзбеклар турмушидан олинган “Ўткан кунлар” романини Закибей Валидийнинг “Туркистон тарихи” асари билан бирга ўқиб, кўп ҳаяжонландим. “Ўткан кунлар” китобида сўзлар халқона бўлиб, кўринишлар миллий эди. Миллий туйғу, миллий руҳда ёзилганлиги аён кўриниб турарди.

Ўша даврда Афғонистондаги ўзбеклар афғонлаша борди. Ҳиндистондаги ўзбеклар ўзаро урдуча, панжобийча гаплашадиган бўлиб кетмоқда эди. Ўшаларга ўхшаб Туркияда яшаётган ватандошлар ҳам ўзбекчилигини унутиб, туркча гаплашадиган бўлиб қолишди. Қизиги шундаки, уялмай-нетмай туркча гаплаша туриб, миллатчиликдан даъво қилишди. Ўзларини миллатчи деб билишди-ю, миллатчи деб танилишни истайдилар-у, маданий жиҳатдан йўқола бораётганларини сезмайдилар.

Ўша кунлари домла Закибейнинг “Туркистон тарихи”ни ўқиб, ватандошлар ҳеч бўлмаганда юртимиз озод бўлгунча ўз миллий тилимизни йўқотмай, ўзбек тилимизни бегона таъсирлардан сақлаб, классик адабиётимизни, мусикамизни, айниқса, мақом йўллариини фаҳмлаб турса, яхши бўларди, деган туйғу менда кучая борди. Чунки домла Закибейнинг асари ҳам туркча эди.

Мен келажақда юртимизнинг озод бўлиши йўлидаги мужодалада ўз тусимиз билан, мавжудиятимиз билан турсак, табаррук ҳаракатларда иштирок этиш шарафига ноил бўлиб қолармиз, деган умидда эдим.

Юқоридаги орзуларимни рўёбга чиқариш учун Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини қайта чоп эттириб тарқатишни афзал кўрдим...

Боязид кутубхонасида 1958 йили Тошкентда кирилл ҳарфида чоп этилган “Ўткан кунлар” бор экан, Ғурий Маҳдумга ўқитиб қарасам, бу китоб билан Закибей Валидий менга берган, 1926 йили Самарқандда араб ҳарфида нашр қилинган роман орасида катта фарқ бор экан. Буни кўриб, ҳайратда қолдим.

Энди “Ўткан кунлар” асарининг асл нусхасини қайта чоп этиш зарур бўлиб қолди-ку, деб қарор қилдим. Қароримни Закибей Валидийга айтдим.

– Жуда кўп пул керак. Ватандошлар ёрдам қилмайди. Китобни пулга сотиб олишмайди ҳам. Ҳатто китобни қўлига берсанг ўқишмайди, ўқишолмайди. Натижада кўп хафа бўласан, катта пул сарф қилиб қолаверасан, маънос бўласан, сендек содиқ дўстнинг миллий фаолиятдаги маъносилигини кўриб, биз ҳам хафа бўламиз, – деди у.

Закибей домладан ўшандай мулоҳаза олган бўлсам-да, қароримда қатъий туриб ҳаракат бошладим. У даврда Истанбулда араб тилида фаолият кўрсатадиган ҳеч қанақа чопхона йўқ экан. Усмонли давридан бери ишлатиб келинаётган араб тилидаги матбаалар йўқ қилинган.

Энди чет элга чиқиш керак эди. Чет элга чиқиб китоб чоп қилиш учун катта микдорда пул керак. Шунинг учун отелим (**меҳмонхона** – *таҳририят*)ни сотиб, катта комиссия тўлаб, чет элга пул чиқаздим. Чунки у даврда Туркиядан расмий тарзда чет элга пул чиқариш мумкин эмасди.

Карачи шаҳрига бордим. Ёру дўстларим, қадрдонларим билан кўришдим. Айниқса, Ҳайбатулло Мухит менга яқин эдилар.

– Машҳад шаҳридаги юртдошлар орасида матбаа ишларидан бохабар кишиларимиз бўлса керак. “Ўткан кунлар” романини араб ҳарфида қайта чоп этиришингиз учун у ерда оқил одам топиласа, яхши бўлар эди, – дедилар.

Менга ҳам шу маслаҳат маъкул кўриниб, Машҳадга жўнадим. Лекин у ерда ўзбек ҳарфини тарадиган киши тополмадим.

Туркияда, араб юртларида, Покистон ва Ҳиндистонда ҳам ўзбекча ҳарфли чопхона топиш мумкин бўлмай, шу ниятда Эронга борган эдим. У ерда ҳам имкониятни тополмай, Қарачига қайтиб келдим. Покистоннинг бу порт шаҳри аслида “Қирачи” бўлса керак, кейин “Қарачи” бўлиб қолгандур.


“Анжуман” номидаги матбаага шогирд бўлиб кирдим. Матбаадан ўзимга хос бир жой ажратиб беришди. Меҳнатим учун менга ҳақ тўлашгани йўқ.

Хуллас, ҳарф теришни, терилган маттни тарқатишни, ҳарфларни ювиш, машинага қўйишни бирин-кетин ўргандим.

Энди яна бир қийинчилик чиқди. Ўзбек тилининг оҳангига керак бўладиган айрим ҳарфлар Карачида йўқ экан. Ғарбий Германиядан у ҳарфларнинг қолипни келтириб, кўпайтирдим.

Ана энди атоқли ёзувчи Абдулла Қодирийнинг машҳур романини тера бошладим. Аввалига кунда бир бет, сўнгга икки бет териб, иккинчи, учинчи кун машинага бермоқ бўлдим. Корректурга ўқиш учун ёрдамчи топа олмадим. Саводхон ўзбеклар ҳам нўғай импосини билмас эди. Айниқса, романини ўқиш учун ўрта маълумотли бўлиш керак. Нўғай импосини ўқий оладиган бир неча ватандош топдим. Уларда мендаги ишқ йўқ эди.

“Китобга қараб турунг, мен корректурани ўқийин” десам, корректурани ўқиб, хатоларини



ислоҳ қила олмайди. “Хўп, мен корректурани ўқийман, сиз китобга қараб турунг”, десам, ухлаб қолишди.

Чунки уларда миллий ҳис, миллий туйғу йўқ. Исломи номидаги араб ишқи бор. У бечоралар ўзини аввало мусулмон, сўнгга ўзбекман, дейди. Ўзбекона туйғу ювиб ташланган.

Энди ўзим бир калима китобдан, бир калима корректурадан ўқиб тузата бошладим. Корректураси хатосини шундай бартараф этар эдим. Сатр ва калималар, саҳифанинг чиройли чиқишига диққат қилдим. Бир калимани, бир сатрни неча бор қисқартириб, неча бор узайтириб чиқар эдим.

Шундай қилиб, матн терилишидан то китоб ҳолини олгунча кўз нуриمنى тўкиб, бир йил деганда китобни чоп эттирдим.

Ўзбекистонга матбаа келганидан буён ҳам, бугунда ҳам “Ўткан кунлар” Бўтакўз нашр этган китобдек чиройли, хатосиз ҳолда чоп қилингани йўқ. Афсуски, бугунгача мен нашр этган “Ўткан кунлар” романини диққат билан, техник томонларини, қилинган машаққатларини текшириб, баҳо берган кимса чиқмади.

Сунъий чармдан муқова қилдирдим. Китобнинг муқовасида, зарҳалда “Ўткан кунлар” тамғаси бор. Муқовани очингиз билан 1926 йили Самарқандда чоп этилган китобдаги узокдан Марғилонга отлиқ келаётган Отабекни ой ичида қутиб ўлтирган Қумуш тасвирига кўз тушади. Мен ўша нусхани қайтадан кўпайтирдим. 1958 йилда “Ўткан кунлар”нинг шоҳ жумлаларини, миллий жавҳарларини олиб ташлаб, руслар томонидан нашр этирилган нусхадан хабарим бўлган ҳолда, матбаа хатоларини ҳам тузатиб, чоп эттирдим...

Покистонда истиқомат қиладиган Ҳайбатулло эшон асли андижонлик, Тожикўжа эшон ипакчининг ўғлидир. Узун бўйли, барваста одам. Андижонда гимназияни битирган. Шунинг учун олиё маълумотли бўлиб кўрилади. Халоп, покиза, виждонли одам.

Мен Карачида нашр эттирган “Ўткан кунлар” романига кириш сўзи ёзиб берди. Китобнинг ўртаничи бўлимида чоп этилди. Мен у кишини кўп ҳурмат қилиб, ўз оғам ўрнида кўрар эдим. Ётган жойи жаннатда бўлсин.

Афсус билан айтийки, китобга кўрсатилган ихлосни на чет элдаги ватандошлар, на Ўзбекистондаги ватандошлар фарқига борди. Романа бўлган севгимни, ишқимни пайкамадилар.

Хуллас, 1961 йилда китоб чоп бўлиб, сунъий бўлса ҳам, чарм жилдлик этиб тайёрланди.

Матбаа ходимлари:

– Жўра ака бу китобга бу қадар меҳнат қилиб, ниҳоятда эътибор билан чиқаришидан маълум бўладики, унинг ҳар бир жилдини фалон пулга сотади шекилли, – дейишиб, ўта мароқланишгандан сўнг сўраб қолишди: – Қори соҳиб, китоб қанчадан сотилади?

– Пулсиз, бекорга таркатаман, – десам, хангманг бўлиб қолишди.

Сабабини ўрганмоқчи бўлишди.

– Диний китобми, Худо учунми? – дейишди.

– Йўқ, элу улус учун, – десам, яна оғизлари очилиб, ҳайрон бўлишиб қолди ва сўзларимдан жуда таъсирланишди.

– Раҳмат сизга! – дейишди. Шарафимга катта зиёфат ташкиллаштиришди, бўйинига гулдан гарданликлар тақиди...

Маълумки, “Ўткан кунлар” романининг ўрта

бўлими 1958 йили Карачида чоп бўлиб чиқувди. Бу гал – 1961 йилда романининг учинчи бўлими яна Карачида “Урду тили вақти”нинг “Анжуман-пресс”ида чоп қилинди.

Китобни Ҳинду Покистондаги танишларимга почта орқали юбордим. Поездда Карачидан 24 соат йўл босиб, Раволпиндига ўзим бориб, Тўқа Ҳожи, Нўмонжон, Аҳмаджонларга тарқатдим. Сингхдаги айрим шаҳарларга, Навошодаги Соли қори, Абдусаломларга ҳам ўзим бориб бериб келдим.

Китоб Исмоил Ғаспиранинг импосида терилгани учун ўқишда қийналганларга ўқилишини ҳам ўргатиб, китобга ҳеч қанақа баҳо ёки ўрнига ҳадя олмасдан, ҳар қандай тамадан йироқ турган ҳолда, бировдан ёрдам олмаган ҳолда

Жўра қори БЎТАКЎЗ

Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти” китоби қўлма-қўл бўлиб ўқилиб турди. Ҳамза Ҳакимзоданинг “Заҳарли ҳаёт” пьесаси, Миркарим Осимнинг “Зулмат ичра нур”и, Садриддин Айнийнинг “Қори ишқамба”си, яна бошқалар...

Ҳаракатимиз мева бера бошлади.

Кириллча китобларни шу ҳарфда саводи чиққанларга улашар эдик. Айтганимдек, сийрак бўлса-да, бу ишлар, ҳайтовур, эгалланмоқда эди.

Ҳамюртларга дердимки, “Ватанни эсланг, унутманг, ватандан хабар олмоқ ҳар жиҳатдан қараганда ҳам қарз, ҳам фарз. Китоблар ўрис ҳарфида бўлса-да, уни ўқиб керагини олайлик, ноқераги китобда қолаверсин”.

Карачида 1961 йили араб ҳарфида босилиб чиққан “Ўткан кунлар” романини ким яхши ўқийди?” деган танлов эълон қилдик. Абдураим Салим гўзал, равон ўқиб берди.

Тоифда менга Мираҳмад Тошкандий жуда чиройли тажвидий дўппи берувди, шу ажойиб дўппини ҳадя қилдим. Абдураим Салимни ҳамма ўрнидан туриб олқишлади...

1966 йили, беш йиллик кутишдан сўнг, муваққат виза билан сайёҳ ўлароқ биринчи марта Тошкентга мушарраф бўлиб, табаррук туپроғини ҳам кўзим, ҳам кўнглим билан ўпдим.

Бир муддат Ватанда бўлдим. Андижон, Фарғона, Наманган, Ўш, Самарқанд шаҳарларини зиёрат этдим...

Ниҳоят, сафарим қариб, Одессага, ундан Сурия орқали Туркияга жўнаб кетдим...

Она юртимиз – гўзал Ўзбекистонга бориб келиб, социалист дунёдаги ватандошлар билан капиталист дунёсида истиқомат қилаётган ватандошларимнинг бир-бири билан алоқа қилишда воситачи бўлдим.

1969 йили Туркияда ўнг-сўл тортишуви кучайиб кетди. Бирини бири ўлдирар бошладилар...

Ватанга бориб, у ерининг сиёсий томирига шарбат бериш пайти келган эди. Очирокроғи, капиталист дунёнинг хатосини бўлса ҳам, қулдорлик социализмга етказиш қолувди...

Бу бировнинг таълимотига кўра эмас, ўзбеконана имон ва эътиқодим, миллий виждоним буйруғи эди. Мана шу тушунча мени она юртимга қайтиб кетишга ундади.

Тошкентда мени катта муҳаррир савиясида “Ватан” жамиятига ишга олдилар. Кейин “Марказ-2”дан икки хонали ўй бердилар. Чет элданги ватандошлардан келган мактубларга жавоб ёзар эдим. Бундан бошқа, “Ойдин” газетасининг корректурасини текшириб, техник хатоларини тузатардим.

Абдусодиқ Ирисов мудир эди. Журналист Нодирхон ака, доктор Ҳабибулло Қодирий ва бошқа адабий ҳодимлар ҳам бор эди. Зиё Эмин ҳар бир ишга масъул бош котиб эди.

Сўнгга газетатга Тўлқин Рустам мудирлик қилди.

Бир кун Нодирхон ака газетанинг техник томонларини кўришим учун бериб кетди. Газета мингдан кўп имло ва босма хатоси билан босилиб чиқибди. Уни почталаш тўхтатилди. 5000 нусха газетани бочада ёқиб юбордилар. “Ойдин” газетасининг мудирини ишдан олинди.

Мели Жўра газетатга янги мудир бўлиб келди. Яхши одам эди. Касал бўлиб ишдан кетди. Бу одам “Умрим дафтери” номли асариде менинг ҳақимда илик гаплар айтибдур.

Ундан кейин Миад Ҳаким газетанинг янги мудирини бўлиб келди. Бу одам билан ҳамкорликнинг 1983 йилгача сурилди.

...Тошкентда борган сари коммунизмнинг ёлғон ваъдаларини, социализмдан амалда асар йўқлигини, инсон ҳақлари оёқости бўлаётганини кўрига бошладим.

Далил келтириш керак бўлса, ер ости, ер усти бойликлар таннархиде Москвага жўнатилааркан. Ер – давлатники, давлат – мустабидларники. Полвон машиналарда қазиб олган ашёга қазиб чиқариш харажатаинигина ҳисоблаб, олиб кетаверарканлар.

Халқ кўрқув ичида – тили бошқа, дили бошқа. Ҳеч ким ўзининг сўзига ишонмайди. Мунофиқона ҳаёт. Ерли халқ ўзи оғир аҳволда. Бир-биридан ўзиб, улуг миллатчилик (**шовинизм** – *таҳририят*)ни қувватлаб-қўллайдилар.

Лекин ўзбекчилига фахрланган, тегсирмон тошини елкасида кўтариб, миллий коммунист бичирини котиби Шароф Рашидовнинг юзида қулги у ёқда турсин, мийиғида қулмисирашини ҳам кўрмадим. Ўйлайманки, у одам ўзбек халқига бўлаётган оғир зулмини пайқаб, кўриб турган...

Шу зайдла ўн етти йил истиқомат қилдим. Очирокроғини айтсам, маънавий қамокда эдим. 50 километрдан ташқарига ихозотсиз чиқиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ўз юртимни айланиш учун ихозот оламан, деб, бу ўн етти йил ичида Тошкентдан ташқари чиққанам йўқ. Танг-ридан бошқа сирдошим йўқ эди...



ГУРУНГ

КҮНГИЛ ОВОЗИ

Ўзбекистон халқ артисти

Афзал РАФИҚОВ билан икки пардали,
тўрт кўринишли суҳбат



Биринчи парда.
Биринчи кўриниш. Театр.

– 1973 йил. Ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театрига ишга келдим. Бошида сахна ишчиси бўлганман. Болғамни камаримга қистириб, актёрларнинг сахнадаги ҳаракатлари, юз ифодаси, овозини кузатардим. Беш йиллик институт таҳсили бир ён, устозларни кузатиш бир ён бўлган. У пайтларда сахнада кимсан – Шукур Бурҳон, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраевалар роль ижро этарди. Уларнинг қадами теккан сахнага, ҳатто, ўзлари йўқ пайтда ҳам актёр сифатида кўтарилиш кишида кучли ҳаяжон уйғотарди. Эҳ-ҳе, ана шу ҳаяжонни босиб олгунча озмунча вақт ўтмаган!

Шу орада режиссёр Баҳодир Йўлдошев Шиллернинг “Қароқчилар” пьесасини сахналаштирди. Илк бор менга роль беришди. Бош қаҳрамоннинг дўсти Швейцерна ижро этганман. Баҳтим бор экан, дебюти кўпчилиikka манзур бўлган. Ҳатто, “Ўзбекистон маданияти” газетасида “Қутлуг қадам” сарлавҳали мақола ҳам чоп этилган. Ҳозир ўйлаб қоламан, у пайтдаги санъатшуносларда ҳафсала зўр бўлган эканми... Улар ҳар бир спектаклга эринмай боришар, нафақат сахна асари, балки ҳар бир актёрнинг ижросини атрофлича таҳлил қилишар эди. “Ярк” этган истеъдодни пайқашса, албатта, жамоатчиликка маълум қилиб қўйишни ўзларининг бурчи деб биларди. Бугунги санъатимиз танқид қилинганда калтакнинг бир учи санъатшуносларга ҳам тегади. Чунки ҳозир театрларда қандай янги асарлар қўйилаётгани, вилеялар театрларидаги янгиликлар ҳақида санъатшуносларнинг таҳлиллари воситасида эмас, асосан журналист ва блогерларнинг материаллари орқали танишяпмиз.

Актёр доим ўз устида ишлаши шарт. Ички ва ташқи оламни сайқаллаб бориши, ўзини ўзи меҳнату заҳматга рўбару келтириши керак. Ҳар бир касбнинг ўз машаққати бўлади. Чидаганга чиқарган, санъатнинг қаттиқ нонини ейишни.

Иккинчи кўриниш.
Дубляж.

– 1968 йил. Киностудияда ишлайман. Дубляж бўлимида кино қўйиб бераман. Енгил иш, бўш вақт кўп. Дубляжчиларга киносини кўяман, ўзим уларни кузатаман. Микрофон олдида Раззоқ Ҳамроев, Яйра Абдуллаева, Ҳамза Умаров, Ёқуб Аҳмедов, Обид Юнусов, Тўлқин Тожиев ва бошқа санъаткорлар ўтиради. Бегона тилдаги киноасарларнинг она тилимизда жаранглашини эшитиб, завқ туяди киши. Яна денг, актёрларимиз шунчалик устак, баъзан қаҳрамонлар характери асл овоздан кўра дубляжда кўпроқ очилгандай туюлади. Ҳар ҳолда, ўша пайтда менга шундай туюлган.

Тунги смена эди. Дубляж қироли Ҳамза Умаров “Майор Вихрь” фильмида полковник образига овоз бериши керак экан. У кишининг кун тартиби ниҳоятда тигиз бўлгани учун дубляжга асосан кечқурун вақт ажратарди. Менга ўхшаган бўйдоқ техник ҳодимлар кечки навбатчиликка ихтиёрий-мажбурий олиб қолинарди. Кинони қўйиб бериб, кузата бошладим. Бир маҳал экранда ёш офицер пайдо бўлди. Полковник унга недир буйруқ берди, у эса қоида бўйича жавоб қайтариб чиқиб кетди. Икки оғиз сўз. Лекин шугинага ҳам овоз берилмаса, иш тўхтаб қолади. Ярим тунда бирор актёрни топиш амримаҳол. Шунда режиссёримиз Эсон Каримов мени чақириб: “Хўп бўлади, жаноб полковник!”, жумласини ўқиб беришимни сўраб қолди. Жон деб рози бўлдим. Бу дубляж соҳасидаги илк қадамим эди.

Орадан олтимаш йилга яқин вақт ўтди. Театр қаторида дубляжда ҳам салмоқли ижод қилдим. Баҳони эса халқ беради, албатта.

Иккинчи парда.

Учинчи кўриниш. Ҳазрат Навоий.

– Ҳаёт ва ижод йўлимда яхши-ёмон кунларни кўп қўрдим. 1990 йилда театрдан кетмоқчи бўлганман. Чунки актёр ниҳоятда қарам одам. Режиссёрга маъқул келиш керак, директорга ёқиш керак, театр сиёсатиға қўниш керак. Энг асосийси эса томошабинга манзур бўлиш даркор. Шунинг учун барчасига қўл силтаб кетмоқчи эдим. Аммо шу пайтда ҳаётимга бир қуёш кириб келди ёки мен бир қаҳқашон бағрига кириб бордим. Камина ҳазрат Навоий ижоди билан яқиндан танишдим.

Бунга Баҳодир Йўлдошев сабабчи бўлди. Аслида у киши кўп йиллар олдин мени сахнага олиб чиққан эди, бу сафар эса сахнадан тушиб кетишимга йўл қўймади.

Мустиқиллик арафасида театримизда Алишер Навоий асарлари асосида “Искандар” спектакли

сахналаштирилди. Навоий роли учун Ёдгор Саъдиев ва камина танланган эди. Аввалига ишонмадим. Чунки шу вақтгача асосан хориж пьесаларида ажнабий ролларни уйнардим. Бирдан Навоийга ўтиш...

Ана шу роль, тўррироғи, Навоий ижоди билан яқинлашув ҳаётимни буткул ўзгартириб юборди. Кимлигимни, қайси тамаддун вакили эканлигимни, қайси авлодларга мансуб бўлиб, томирларимда кимларнинг қони оқаётганини яққол англадим. Гўёки ҳаётим бошқатдан бошланди.

Шу боис ўшандан бери Навоий асарларини томошабинга етказишдан чарчамайман. Ўзимни ҳайратга солган сатрларни бошқаларга ҳам илинаман.

Ҳазрат билан танишув мени илҳомлантирган, ул зотнинг бекиёс ижодий мероси ўзига ром этиб қўйган эди. Нима иш қилсам ҳам Навоийни қандай усулда халққа аянам яқинлаштириш мумкинлиги ҳақида ўйлардим.

Ҳазрат Навоий ижодига қизиқиш “Хамса”дан парчаларни симфоник оркестр жўрлигида ижро этиш иштиёқини уйғотди. Дўстим, Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов билан маслаҳатлашиб, ижронини симфоник оркестрнинг жаҳон мусиқа дурдоналари ижросидаги мусиқа ва сўз жўровозлигида амалга оширдим. Тошкент давлат консерваториясининг катта залида ҳазрат Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган тадбирда “Хамса”нинг беш достонидан парчалар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. 2011 йилнинг кузида халқаро симпозиумда ушбу концерт такроран намойиш этилди.

Тақдир тақозоси билан 2014 йилдан бери Ўзбекистон давлат академик рус драма театрида фаолият олиб бораёпман. 2016 йили режиссёр Бахтиёр Ҳамидов томонидан “Дегонимни улусга марғуб эт...” (“Иди, моё творение в народ...”) деб номланган спектакль сахналаштирилди. Спектакль сахнада бир вақтнинг ўзида ҳам ўзбек, ҳам рус тилларида жаранглари: “Хамса”дан лавҳаларни Навоий тилининг аслиятида ўқиб бўлгач, ҳамкасбларим айнан шу лавҳани рус тилида ўйнаб беришарди. Ҳазрат таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан режиссёр Валихон Умаров “Ҳайрат ул-аброр”ни рус тилида сахналаштирди. Томошабин тушунмаса керак, дидактик асар бўлса, панд-насиҳат кимга ёқади, деб ўйлаган эдим. Не ажаби, томошабин жуда яхши қабул қилди. Албатта, бу буюк аждодимиз сатрлари замиридаги оҳанрабодан бўлса керак.

Мен сўнгги 35 йиллик ижодим учун Навоий олдида қарздорман.

Тўртинчи кўриниш.

Гоҳи шодлик, гоҳи ғам...

– Ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа – Қуръони Каримнинг маънолар таржимасини овозлаштирганим, деб ўйлайман. Бу муқаддас китоб ўзбек тилида илк бор 1991 йилда чоп этилган эди. Таржимони – улуг олим Алоуддин Мансур ҳазратлари. Илоҳий калом қалбимда нур сочар экан, дафъатан китобни аудио шаклда ёзиб олиш фикри туғилди. Баъзиларга ўқигандан кўра эшитган маъқул. Ниҳоят, 2007 йилда бу хайрли иш амалга ошди. Мақсадим: муқаддас оятлар таржимаси мазмунини оҳанг орқали аянада тушунарли ва таъсирли қилиш эди. Ҳиссиётни беришга ҳаракат қилганман. Бу Қуръони Карим таржимасини овозлаштиришдаги илк тажрибалардан бири эди. Камчиликлари бўлгани табиий. Лекин кўпчиликка маъқул бўлди. Халқимиз илқ қарши олди.

Овоз имкониятларимдан ана шундай фойдаланар эдим...

Навоий ҳазрат менга ирода, сабр ва шукрни ҳам ўргатди. Овозим бўғилиб қолганда, балки, шунинг учун у қадар довдираб қолмагандирман. Бу ёнг замонавий технологиялар ривожланяпти. Яқинда сунъий интеллект ёрдамида овозимни тиклашибди. Ўша эски овозимга ўхшаб ҳам кетади. Бу мени, албатта, қувонтиради. Энди ҳозир шу овозда ҳам, мана ишляпман, Худога шукр. Дубляжда ҳам қатнашяпман.

Мендан “Армонингиз борми?”, деб кўп сўрашади. У кўнглим Каъбасида сақланиб турган нарсаси, уни ошкор қила олмаيمان. Умид ҳақида гапирish мумкин. Ноумид – шайтон. Лекин энди амалга ошириб бўлмайдиган нарсалар бор, уларни гапирса бўлади. Масалан, мен актёрликни танлаганимдан бери сахнада Ҳамлет ролини ижро этишни орзу қилардим. Бир пайтлар устозим Баҳодир Йўлдошев мен билан “Ҳамлет”ни репетиция ҳам қила бошлаган эди. Бироқ охирига етмай қолди...

Бу ёғини кўраверамиз. Ҳаёт давом этмоқда.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА
ёзиб олди.

ЭЪТИРОФ

Чегачи аталмиш касб эгалари бўлганини биласизми? Катта авлод вакиллари эслашар, аммо ёшлар “Бу қанақа касб?” деб елка қисиллари аниқ.

Ўтган асрнинг 60-йилларида аксар идиш-товоқлар сополдан ясалгани учун эҳтиётсизлик оқибатида синиб қолиши оддий ҳол эди. Уй бекаси синиқларни ташлаб юбормас, якшанба кун бўладиган бозорга йўли тушганида чегачига чегалатиб оларди. Чегалатиш – сопол идишни ямаш дегани. Бизнинг авлод чегаланган пиёла, чойнак, товоқ, косаларда чой ичган, овқат еган. Чунки ўша даврларда чинни идишлар ўта ноёб мол ҳисобланиб, дўконларда пештахта остида устига икки ҳисса нарх қўйиб сотиларди. Уям таниш-билишларга.



ИЖОБИЙ “ЙЎҚОТИШЛАР” ДАВОМ ЭТАДИ...

80-йилларга келиб темир чойнаклар пайдо бўлди. Аммо бу матоҳ ҳам сифатсиз эканки, гоҳ дастаси, гоҳ айланма ясалган қуяри синарди. Шундай ташлаб юборилмай, энди чегачига эмас, пайвандчига юмуш топиларди.

Мустиқилликдан кейин тадбиркорлар четдан турли чинни идишлар келтириб, бозорларимизни тўлдирди. Чинни идишларни ўзимизда яшаш ҳам йўлга қўйилди. Оқибатда “чегачи” касби касодга учради, “чегачи”, “чегачи” сўзлари архаик сўзларга айланиб кетди.

Қишлоғимизда ҳунарманд усталар кўп бўларди. Ҳайитбой бува ғоят ишбилармон уста бўлиб, 50-йилларда 30 тонна юк сифадиган ёғоч кема ясаган. Бу кемада ҳали воҳога темир йўл ётқизилмаган даврда Амударё орқали колхозга кимёвий ўғитлар келтирилган. Уста Ҳайитбойнинг ўғли уста Саъдуллога гарчи кема яшаш насиб қилмаган бўлса-да, от ва эшакарава яшашнинг ҳадисини олганди. Муқаддам араваларнинг гилдираклари тупроқ йўлларда юришга мўлжалланиб ёғочдан ясалган бўлса, йўлларга тош ташалиши, асфальт қилиниши баробарда гилдиракларини темирдан яшаш русумга кирганди. Қишлоқдаги ҳар икки хонадоннинг бирисида, албатта, арава бўларди. Қишлоқ ахли учун арава юк ташиш ва ҳатто узоқ жойларга бориш учун уллов воситаси эди. Ортимизда енгил машиналар ишлаб чиқарила бошлагач, аравалар одам ташиш вазифасидан айрилишди ва... Уста Саъдулла бува чорак аср илгари фаолиятидаги сўнгги аравани ясаган.

Кўча-қўйда аравалар кўринмай қолганига беш йиллар бўлди. Уларнинг ўрнини турли ёқилгида юрадиган, ҳатто икки-уч тоннагача юк ташиш қувватига эга аравали мотоцикллар эгаллади.

Энди эси кира бошлаган болалар “Ўткан кунлар” фильмидаги Қумушнинг Марғилондан Тошкентга келин бўлиб отаравада келгани лавҳасини кўриб гўё булар эртақлардаги ажойиботларми, деб ҳайратланишлари аниқ.

Қишлоғимизда “дарғалар” лақабли катта қавм яшайди. Бу қавмга лақаб катта бобоси Рамат бува дарёда кема дарғаси бўлгани учун берилган. Айни шу даврдан мерос: “салодовчилар”, “гузарчи” лақаблари ҳали-ҳамон яшаб келмоқда. Дарё ўзани тортилган, кемалар сузмай қўйган, юклар еру осмон улловларида дунёнинг турли бурчакларига ташиллаётган замонда бу атамалар ҳам ўз умрини яшаб бўлган.

Совет даврида энг машҳур сўзлардан бири “дефицит” эди. Тилимизда “камёб” мазмунини берадиган бу сўз айнан аҳоли учун зарур кенг истеъмол молларига нисбатан қўлланиларди. Тўй қилаётган одамлар райқўмга ўша вақтда хотин-қизлар орасида русум бўлган, кўрпа-тўшак тикиладиган матолар: бахмал ёки виллур сўраб бир қулоч ариза ёзиб борар ва навбатга ёзилиб, ўн-ўн беш метр мато олишарди. Енгил машина у ёқда турсин, видеомагнитофонлар ҳам райқўм бюроси қарори билан

ажратилганини ҳозирги авлод эшитса, ҳайратдан оғзи очилиб қолади.

Ҳозир барча турдаги электрон матоҳларни уйингизга беминнат келтириб беришади.

“Дефицит” сўзи истеъмолдан чиққанига ўн йиллардан ошди.

Синфдошим уста Жумабой эллик йилдан ошдики, темирчилик устaxonасини юритади. Авваллар жамоа хўжалиги гаражида устaxonаси бўларди, колхозлар тугатилгач, уйи олдида устaxonа қуриб, элатга хизмат кўрсата бошлади. У олдинлари тенгқурлари тўй-томошаларида бемалол ўтира олмас, иши бошидан ошиб ётгани, одамлар кутаётгани учун узор билдириб вақтлорқ кўзгаларди. Тўрт-беш йил бўлди нафақага чиққан тенгқурлари билан, керак бўлса, эрта тонгдан қора хуфтонгача бемалол гурунглашиб ўтиради. Сабаби...

Сабабини ўзи шундай таърифлайди: “Устaxonам касод бўляпти. Кунига бир-икки одам бош суқмаса, кун бўйи пашша кўриб ўтираман. Яқин-яқинларгача эшагу отларга тақа ясар ва қоқардим. Энди қайда? Ёз бошланиши билан пахса девордан иморат тикламоқчи бўлганлар лой отадиган капча ясатишга навбат туришарди. Энди иморатлар пишган гишт ва яна бошқа замонавий гишлардан тикланяпти. Етти йил бўлди бир дона капча буюрган одам йўқ. Устaxonам элат одамлари ясатадиган бел, кетмон, ўроқ билан айланмиб турганди. Энди эса... бир қарич ерниям мини ускуналарда ҳайдаб, экишяпти – бел-кетмонга иш қолмади. Ўт-ўланни ўрадиган турли ускуналар қичди – ўроқнинг даври ўтди. Бир вақтлари эрта баҳордан кеч кузгача кунларим ўроқ қархлаш билан ўтганини эсласам кулгим келади. Замон ўзгариб кетди, биродарлар”.

Жиянимнинг катта ўғли болаликдан этикчиға шогирд тушиб, сўнгра уйи ёнида мўъжазгина хона тиклаб этикчилик қилаётганди. Ўша вақтлари эрта-кеч устaxonасидан одам аримас, йилро каттаётган рўзғори қозонини этикчилиги орқасидан қайнатарди. Унинг устaxonаси ёпилиб кетганига ҳам беш йиллар бўлди.

Этикчилик ҳунари нега касодга учради? Сабаби оддий – одамлар ямоқ солинган оёқ кийими киймай қўйишди. Туфли, этиги пошнаси сал қийшайса янгисини олишади. Қолаверса, ҳозирда тадбиркорлар тикаётган оёқ кийимлари анча сифатли – беш-ўн йилга чидам беради.

“Келинлар кўзғолони” комедиясида асар қаҳрамони киноя билан айтган “Хўрозқанд чет элники деса, ётиб олиб ялашади” иборасида тилга олинган нимарса ҳозирги болача-ларга умуман тушуниқсиз. Ҳафта-ўн кунда “Шиша оламиз!” дея кўчамакўча қичқириб юрадиган юмушбардорлар кўринмай қолганига анча бўлди. Одамлар тилида негадир “шара-бара”чи дейилладиган бу ҳо-жатбарор инсонлар топирилган ҳар бир бўш ароқ шишаси учун бир дона хўрозқанд беришарди. Кимлардир уйида ясаган хўрозқандлар ўша вақтларда ёймачи аёлларнинг асосий махсулотларидан бири эди.

Бола борки, хўрозқанд яламаса кунни ўтмасди-да...

Тадбиркорларимиз томонидан чиройли қоғозларга ўралган турли ширинликлар ишлаб чиқарилиши билан “хўрозқанд эраси” яқунланди. Бу ёқда бўш шиша сотиб оладиганлар ҳам кўринмай қолди. Сабаби, ҳозирда шиша идишлар турли ўлчам, сизимларда кўплаб ишлаб чиқариляпти. Олдинги замонлардагидек бўш шишаларни ювиб, унга қайта суюқлик қўйиш истеъмолдан қолган. Тўғри, турли ўлчамдаги шишаларни бутун ҳолда эмас, синдирилган ҳолатда харид қиладиган тадбиркорлар пайдо бўлишди. Улар шиша синиқларини қайта қўйиб, турли ўлчамдаги шиша идишлар ишлаб чиқаришяпти.

Болалик вақтимизда қиш ойларида элатда кунора кигиз босиларди. Кигизчи усталар уй эгаси тўплаб қўйган қўй жунини яхшилаб ювиб, сув билан тинмасдан ҳўллаб турар, тўрт-беш билаги бақувват йигитлар уни думалоқ шаклда тинмай пишитиб боришарди. Сал бели бақувватроқ хонадон эгаси оддий қора кигиз билан кифоаланмай, “таканават” аталмиш кигиз бостирарди. Таканават кигизларга турли бўёқларга бўялган жунлардан нақш тушириларди. Тун бўйи кигиз босиб, билакларимиз шилиниб кетарди.

Кигиз босилмай қўйганига чорак асрлар бўлди. Уларни тўшашда кигиз ўрнини гилам ва палослар эгаллади. Яқиндагина таканават кигизини авайлаб-асраб, куя ейишдан сақлаган, фақат азиз меҳмонлар тагига солган кишиларнинг авлодлари бугун эшик остонасига довуз гилам тўшашган.

Элатимизда ном қозонган Матёкуб кигизчи дунёдан кетганига ўн йиллардан ошди. Унинг боболаридан мерос ҳунари ўзи билан кетди.

Буларни нимага эсладик? Сабаби бор: ҳозирда айрим ношукур бандалар “Мустиқиллик нима берди?” деб пичинг қилишади. Башанг кийинган, тағида яп-янгини машина, қўлида қимматбаҳо телефон, иморати “европача услуб”да тикланган бу ношукурлар билан тортишиш ортиқча. Давраларда ўшандай кимсалар гап кўзгаб қолишса бир-икки савол бераман: “Сен чегаланган пиёла-чойнақда чой ичганмисан?”, “Уйингда нечта кигиз бор?” Ўша ношукурлар саволларимга жавоб тополмай анграйиб қолишади.

Буюк истиқполга эришгач, ўтган қисқа фурсатда эришган, топганларимизни айтиб ўтирмайман – бу ҳақда ойнаи жаҳон ҳар кунни бонг урмоқда. Мен мустиқиллик туфайли тарихга айланиб кетган ижобий маънодаги “йўқотишларимиз”ни ёдга оламан, холос.

Ҳа дарвоқе, “дегречилар” ҳақида эшитганмисиз? Бу нима ёки ким дейишингиз тайин. Денгизчилар эмас ҳар қалай.

Гапни кўпайтириб ўтирмайлик, бу касб ҳам истиқлол туфайли йўқотганларимиздан бири.

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист



ЖАҲОН АЙВОНИДА

ИЛОН МАСК КОМПАНИЯСИ МИНТАҚАМИЗДА

Starlink Қозоғистонда сунъий йўлдош интернет хизматларини расман ишга туширди. Бу “SpaceX”нинг паст орбитали сунъий йўлдош тармоғи орқали юқори тезликдаги ва барқарор интернетга улашиш имконини беради, дейилди Рақамли ривожланиш, инновациялар ва аэрокосмик sanoat вазирлиги хабарига.



Илон Маск ҳам бунини тасдиқлаган.

“Spot” манбасига кўра, Starlink хизматлари Қирғизистонда шу йил охиригача, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистонда эса 2026 йилда ишга туширилиши кутилмоқда.

TELEGRAM VA WHATSAPP КЎНҒИРОҚЛАРИ ЧЕКЛАНДИ



Россияда ушбу мессенжердаги кўнғироқлар “жиноятчиларга қарши туриш учун” қисман чеклангани ҳақида хабар берди “РИА Новости”.

“Telegram ва WhatsApp Россия фуқароларини алдаш ва пул ундириш, кўпурчилик ва террорчилик фаолиятига жалб қилиш

ушун ишлатиладиган асосий овозли хизматларга айланди”, – дейилди “Роскомнадзор” баёнотида.

АЭС ФАОЛИЯТИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ


Франциянинг Дюн-керк шахридан унча узоқ бўлмаган “Gravelines” Ғарбий Европадаги энг йирик атом электр станцияси ҳисобланади. У олтига 900 мегаватт қувватли реакторга эга.



Душанба куни тўртта реактор совутиш насосларига медузалар тўдасининг тегилиб қолиши оқибатида ўчирилган эди. Тезкор чора-тадбирлар натижасида куни кеча биринчи реактор фаолияти тикланди.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ АЛДАДИ

ChatGPT маслаҳатларига ишонган АҚШлик эркак руҳий касалликлар шифохонасига ётқизилди. Бу ҳақда Америка кардиология ассоциацияси манбасида мақола чоп этилди.



Бемор сунъий интелект берган тавсияга кўра амал қилиб, уч ой давомида ош тузи ўрнига интернет дўкандан сотиб олган бромидни истеъмол қилган. Оқибатда, заҳарланиб, параноя ва галлюцинация белгилари билан касалхонага тушган.

ТОНГАДА ЗИЛЗИЛА

Тинч океанидаги Тонга орол-давлатида 5,6 балли zilzila содир бўлди. Германия Геофан тадқиқот маркази (GEOFON) маълумотида кўра, ҳозирча цунами хавфи ҳақида огоҳлантириш берилмаган.



Зилзила маҳаллий вақт билан соат 17:38 да, 10–25 километр чуқурликда рўй берган.


ОЛИМЛАР ТАРЖИМОНЛАРГА ТИРГАК БЎЛСИН

Бошланиш 1-саҳифада.

Каминага яқин бўлгани боис таҳлилчи олмон тилидан ўгирилган асарлардан бошласак. Тошкентда жойлашган Гёте институтига ёш таржимонлар учун семинарлар ўтказиш анъанага айланган.

2024 йил охирида ўтказилган семинарда Ҳафиза Қучқорованинг янги таржимаси муҳокама қилинди. Швейцариялик ёзувчи Петер Штаммнинг “Die sanfte Gleichgültigkeit der Welt” асарини таржимон қизимиз “Локайд дунё” деб ўгирган. Аммо асар номи “Дунёнинг оймисупурги лоқайдлиги” деган маънони англатади. Муаллиф олмонча “sanft” (эпитет) сифатловчи сўзини лоқайдлик от сўз туркумидан олдин аниқловчи вазифасида қўллаб, бу сўзни шунчаки мулоимлик, юмшоқлик маъносига эмас, балки дунёни бузаётган зарарку-нанда бепарволик, жамиятни издан чиқараётган мулоим лоқайдлик сифатида қайд этиб, инсониятни хушёрликка даъват қилмоқчи бўлгандай, назаримда. Асар номи нотўғри тушунилган, муаллифнинг мақсади англанимаган ва оқибатда гўзал сарлавҳа сийқа маъно касб этган. Ҳолбуки, мутаржимнинг дастлабки ишларидан бири бўлган Женни Эрпенбекнинг “Heimsuchung” романи таржимасида сарлавҳадаги хатодан кейин бу ишга жиддий қарай бошлаганини кўриб, унинг навбатдаги таржималарида муқобил сўзлар топаётганидан хурсанд бўлган эдим. Жумладан, унга Элке Хайденрайх ва Бернд Шрёдернинг “Alte Liebe” асарини “Азалий ишқ” деб гўзал таржима қилганини эсла-тиб, мақтаганман.

Айрим мутахассисларимиз махсус луғатлар билан кам ишлай-гандай туюлади. Акс ҳолда Гюнтер Грасснинг “Der Blechtrommel” романини қандай қилиб “Тулука дўмбира” деб ўгириш мумкин? Олмонлар хайвон териси қопланган ноғорасимон созни Trommel деб айтади. Дўмбира эса туркийларга хос қорни ёғочдан ясалган мусиқа қолғусидир. Аслида Гюнтер Грасснинг мазкур асари сарлавҳаси “Тулука ноғора” деб ўгирилса, тўғрироқ бўларди.



“Ой ўртанар, кўзларида ёш, Кўкси доғу юраги қийма. Дер: “Эй фалак, мен эдим куёш, Нега мени қилдинг таржима?” Эркин ВОХИДОВ



Айни пайтда дунёнинг кўп мамлакатларида олмонзабон модернист ёзувчи Франц Кафка ҳаёти ва ижодида қизиқиш авж олмақда. Унинг қатор асарлари рус ва олмон тиллари орқали ўзбекчага ўгирилмоқда. Ёзувчининг “Das Schloss” асари аввалроқ Вафо Файзулло томонидан русчадан “Қалъа” номи билан таржима қилиниб, чоп этилган эди. Шу асарни олмончадан ўгирган Шахноза Қувонова “Қўрғон” деб атади. Сўзбоши муаллифи, академик Акмал Саидов эса асарни “Сарой” деб атаган. Луғатларда “Das Schloss” сўзининг қаср деган муқобили ҳам мавжуд. Қай бири аслимонанд, деган савол туғилганда тескари таржима методи қўл келади. Бу усулга кўра қалъа – Burg, қўрғон – Festung. Олмонча-ўзбекча луғатларда эса “Das Schloss” гоҳ сарой, гоҳ қаср шаклида берилган. Вафо Файзулло аслият тилини билмаслиги мумкин, бироқ Шахноза Қувонова мутахассис сифатида нега нотўғри таржима қилган? Унинг хатоси – луғат билан ишламаганида.

Ҳозирги олмон тили луғатларида 800 мингдан 1 миллионгача сўз бор. Университетни битирган мутахассис нари борса 2000 та фаол, 3000 та пасив сўз бойлигига эга бўлиши мумкин. Синхрон таржимонлар эса шунинг ўн баробарича сўз бойлигига эга бўлиши мумкин. Шундан луғатсиз таржималарнинг қай ҳолатда эканлигини тасаввур қилаверинг. Бу ўринда фақат мутаржимнинг эмас, балки ана шу таржималарни чоп этган ноширларнинг ҳам лоқайдлиги кўзга ташланади.

Таржима нашрларда бошқа қатор жиддий камчиликлар ҳам кўзга ташланадики, улар ўгирмаларнинг умумий сифатига салбий таъсир кўрсатяпти. Жумладан, библиографик маълумотлар аслият тилида берилмаяпти, асл матни чоп этган чет эл нашриётидан махсус рухсатнома – лицензия олинмаяпти, нашрга масъул тақризчиларнинг исми-шарифи китобларда бор-у, нашриётларда уларнинг асл тақризлари матни сақланмаган. Бу эса халқаро нашр нормалари ва муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади. Қолаверса, махсус кенгаши бўлмаган нашриётлар таржималарни чет тили мутахассисининг таҳрири ва тақризидан ўтказмасдан ўзбошимчалик билан босмоқда. Натижада, таржима матнларида муаллифнинг индивидуал услуби ва миллий ўзига хослигига жиддий путур етмоқда. Улардан нега бундай қиласизлар, деб сўрасак, масъул муҳаррирга тўлайдиган пулимиз йўқ, дейишадди. Ахир, таржиманинг сифатини айнан ана шу масъул муҳаррир ва унинг таҳрири ҳамда тақризлари қафолатлайди-ку!

Шу каби жиддий ташкилий, нашрий камчиликлар туфайли минглаб миллий ўзига хос сўзлар ўз қиёфаси ва маъносини йўқотмоқда. Жумладан, “йўлбарс” – шаҳзодага (Ф.Вюртенинг “Babur der Tiger” асари таржимасида), “шавла” – бўтқага, “палов” – шавлага, “амир” – қиролга айланиб қолмоқда. Мустабид тузумдан қутулганимизга кўп йиллар ўтса-да, таржимонлар бизни яна “шчелкунчик” билан “ёноғ қачқш”га ўргатмоқчи бўлишяпти (олмон ёзувчиси Амадей Ҳофманинг “Nussknacker”, яъни “Еноғ қачқш” асарини русчадан ўгирган таржимон асар номини “Шчелкунчик”лигича қолдирган).

Мени ўйлантираётган бошқа бир масала ҳам бор: ҳозирги ўзбек фани турли йўналишлар, айниқса, ижтимоий соҳаларда қандай янги фикр ва тадқиқотлар билан жаҳон фанини бойитмоқда? Диссертацияларда янгилик деб даъво қи-

лаётганимиз жаҳон миқёсида қай даражада тан олинмоқда? Ўзбек таржима назарияси қандай назарий кашфиётлар билан жаҳон таржима назариясини бойитмоқда? Ана шу саволларга жавоб топиши мумкин бўлган асосий омиллардан бири бу – ўзбек фани ютуқларини чет тилларига таржима қилишдир.

Биз эса асосан четдан ўгириш билан бандмиз. Бу эски қобиқлардан чиқишга ўзимизда журъат тополмаётганимиз ва бунини турли баҳонаю сабаблар билан оқлаётганимиз оқибатидир. Бугун жаҳон тажрибасида жиддий ривожланаётган муҳим тенденция – она тилидан чет тилларига бевосита таржима қилиш масаласига ишончсизлик билан қараб, ўзимиз англаган-англамаган ҳолда замондан орқада қоляпмиз.

Таржимонларнинг хушёрлиги пайсайишида соҳа олимларининг ҳам “хиссаси” бор. Ўтган вақт давомида амалга оширилган таржималарни 100 фоиз десак, бу ағдармаларнинг тахминан 10 фоизи илмий тўпламларда таҳлил ва танқид қилинди, холос; жуда кам қисми катта-кичик диссертацияларнинг тадқиқот объекти, предмети ва материалига айланди. Шу ўринда фидойи олимларимизни санаб ўтишни лозим топдик.

Бу масалада, айниқса, ўз вақтида Жуманиёз Шарипов, Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов ғайрат кўрсатишган бўлса, айни вақтда уларнинг шоғирдлари қўл ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Зоҳиджон Содиков ва Ҳамиджон Халилов каби амалий таржималар билан шуғулланаётган, айни пайтда илмий иш ёқлаётган, қатор монографик тадқиқот ва ўқув адабиётлари яратётган ҳамкасблар кўп эмас.

Таъкидлаш жоиз, бу соҳада жиддий масалаларни ўртага ташлаётган, мавжуд таржима муаммоларига ечимлар таклиф қилаётган Зухриддин Исомидинов (“Таржима ва тил”), Эргаш Очилов (“Таржимашуносликнинг назарий масалалари”) ва Одилжон Сафаров (“Антик таржимавий тафаккурни ўрганиш муаммолари ва уларнинг ечимлари”) каби соҳамизнинг пешқадам олимлари кўпчиликлари ибрат бўлишмоқда. Бошқалар ҳам улардан ўрнак олса, таржимачилигимиз сифати сезиларли даражада кўтарилган бўлар эди. Зотан, назариячилар амалиётчиларга кўмакчи бўлиши керак.

Хуррам РАҲИМОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
қошидаги Таржимашунослик ва луғатшунослик илмий-амалий маркази раҳбари, профессор

ТАҚДИМОТ

Қуриган бир чўпни қушдай сайратдинг

Ҳамма лаққилласа бозор тилида,
Сен кўнел тилида бирор жумла айт...

Атрофга бирров разм солсангиз, бугун эшитадиган қулоқ топиш амри маҳолдек. Балки бу “эшитиш мосламалари” лақиллашлардан беизгандир. Кўнгил тилида бирор жумла эшитишни истар.

Катта оқин – сувни тингламай қўйган одамлар, дилларидаги кўмилиб кетган изтироблар, самимий туйғуларни қандай илгасин?! Кечинмалар “мозористони”га айланган юрак, табиат билан тиллашгани ҳам унутади. Буюмлардек “бахтли яшаш”ни бошлайди. Шоирнинг шеърлари, сатрлари кифтидан тутсангиз, сизни гўзал бир оламга бошлаб кетади.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир Эшқобил Шукурнинг “Ой йўли” шеърый сайланмаси ҳамда “Бобосўз изидан” (тўлдирилган қайта нашр) китоблари чоп этилди. Китобларни мутолаа қилар экансиз, шоир Эшқобил Шукур билан дилдан суҳбатлашасиз, гўё.

Боши ёриқ бедана билан кўкси ёриқ шамол
Ўзимга ўхшаркан энди ўйласам.

Шоир туйғуларни, кечинмаларни “осмон”дан олиб ёзмайди. Унинг кўнгил кўкида борлари сатрларга тўкилади. Ижод онлари ўзи билан ўзи гаплашади шоир. Бугун одамлар ўзаро ҳам, ўзлари ҳам суҳбатлашмай қўйди. Лекин шоир ҳар бир сатрда, ҳар бир сўзда ўзи билан гаплашади, тортишади. Гоҳ ютади, гоҳ ютқазади. Покланиб боради шу зайл. Саҳифалар ортида



қолгани сайин сизнинг ҳам озурда қалбингиз мусаф-фоланиб боради. Энди унга ҳаётнинг майда-чуйда ғавғолари дахл қила олмайди.

Ер шарининг устига чиқиб, чордона қуриб ўтириб оласиз. Кейин таҳлил қила бошласиз, ўтмишни, бугунни ва келажакни. Макон ва замон чегарасидан чиқиб кетасиз. Шоирнинг шеърлари сизни опичлаб коинотни кезиб чиқади, кўнгил коиноти янада кенгишроқ туюла бошлайди. Қайтпнгиз келмайди, сатрларнинг орасига, сўзларнинг пинжиги беркингингиз келади ҳаётнинг долғали ўйинларидан, ўйларидан.

Келинг, бироз кўзгу қаршида қад ростланг. Ўзингизга нигоҳ ташланг: сўзлар билан сўзлашинг. “Бобосўз изидан” одимланг. У сизни қўлаб саволларга,

сўзларга рўбарў қилади.

Бир кеча-кундузда неча сўз ишлатамиз? Ва бу сўзларнинг асл мазмунини, туб маъносини биламизми? Таниқли шоир Эшқобил Шукурнинг “Бобосўз изидан” китоби бевосита сўзга, сўзки, халқимиз тарихига томирдош бўлган туркий тиллар оиласида хазинаси, жозибаси, рангу ҳарорати, қўйинги, шарафи баланд асл ўзбек сўзларига бўлган катта муҳаббати туфайли, уларни асраб қолишдек эзгу ният самараси ўлароқ майдонга келган.

Муаллифнинг қадимий сўзлар тарихига қилган саёҳатида унга йўлдош бўлиш сиз азиз китобхонга ҳам баҳрамандлик бағишлайди.

“Сўз билан ишлаш жуда машаққатли, қалтис иш экан. Лекин бу ишда шундай бир мароқ борки, у ҳар қандай қийинчилиқни завққа айлантирар экан. Одам севишни ўрганмайди, севгининг ўзи келади дейишадди-ку, лекин мен сўзларни севишни ўргандим. “Девону луғотит-турк”нинг қалин ўрмонларида, том-том луғатларнинг тойғоқ сўқмоқларида, халқ тили ва устоз китобларнинг минглаб қақиримларга чўзилиб кетган йўлларида юрдим”, деб ёзади муаллиф.

Қачонгача ўткинчи дунёнинг майда ташвишлари сизни машғул қилиб қўяди. “Ой йўли”дан, “Бобосўз изидан” қолган!

Эй, инсон-а, инсон-а, инсон,
Кўнглингизда шунчалар дардинг бормиди...
Қуриган бир чўпни қушдай сайратдинг.

Зиқрилла МУҲАММАД

14 август куни Миллий матбуот марказида ёзувчи ва таржимон Рахшона Аҳмедованинг янги китобларига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда адаби ижодидаги илк роман – “Тонготар” ҳамда корейс тилидан ўгирилган Шин Кёнг Сук қаламига мансуб “Онамни асра” асари китобхонларга тақдим этилди.



АЁЛГА ҚАСИДА

Янги романда жамиятни ичидан емиргувчи иллатлар – илм-сизлик, қўрқоқлик, лоқайдлик, риё ва ўткинчи ҳаваслар бандасига айланиш орқали инсоний қиёфасини йўқотаётган оломон орасида поклиги ва ҳалоллигини сақлаб қолишга уринаётган қаҳрамонлар ҳақида сўз кетади. Барча воқеалар Фароғат образи атрофида айланади. Адиба гўё “ўзимиздаги жаҳолат юкини фарзандларимизга қолдирмайлик, улар маърифат қуёшига таппиниб ўссин”, деб хитоб қилаётгандай.

Рахшона Аҳмедованинг “Онам-

ни асра” китобини таржима қилиш ҳам тасодиף эмас. Аввало, ёзувчининг илоҳи аёл ва унинг ички олами бадий тасвирлаш асосига қурилган. Қолаверса, ўзи ҳам бир муддат Жанубий Кореяда яшагани боис, бу ўлка ва одамларини яқиндан ўрганиш имкониятига эга бўлган.

Бу икки асар бир-биридан узоқ юртларда яратилган бўлса-да, юракларимизни бирлаштирувчи умумий туйғу – инсон қадр-қиммати ҳақида сўзлаши билан эътиборга моликдир.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА

ХУҚУҚСИЗ ХУҚУҚШУНОС ҚИСМАТИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Илми толибларнинг бошини бириктириш ҳамда асосий ғояга йўналтириш мақсадида туркистонлик ёшларнинг маънавий раҳбари Усмонхон Эшонхўжаев илмий тўғараклар ва деворий газеталар ташкил этади. Ғайратли ёшлар ўта долзарб мавзуларда илмий маърузалар қилар, советлар пойтахтида ўзбек халқи маданияти ва қадриятларини тарғиб этарди. Ана шу қизгин жараён Муҳаммаджоннинг фикрини очиб, қўлига қалам тутқазди. У “Фаргона”, “Туркистон” ва “Зарафшон” газеталарида таҳлилий мақолалари билан фаол қатнаша бошлади.

Шундай бир шароитда “кўмак”чи талабалар Ўзбекистонда “шўролар шовинизми”га қарши курашиш ҳамда раҳбар кадрларни маҳаллийлаштириш масаласини илгари суради. Сталин томонидан демократик эркинликларнинг таъқиб этилишига, диктатура ва зўравонликнинг тобора авж олиб бораётганига қарши чиқади. 1927 йил 7 ноябрда Москва кўчаларида аҳолининг тинч намоийиши ўтказилади. Улар сафида юртдошларимиз ҳам бор эди. Ҳар қандай муҳолифатга муроасиз бўлган совет ҳокимияти уларни Сталин номидаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университети талабалари қўли билан тарқатиб юборади. Иштирокчиларни “троцкийчи-зиновьевчи аксинкилобий гуруҳ аъзолари” деган бўҳтон билан таъқиб этиш бошланади.

Бу талотўплар оқибатида Муҳаммаджон Мўминовга университет маъмурияти томонидан “ҳайфсан” берилади. Фақат Ўзбекистон ҳукуматининг аралашуви билан у ўқишдан ҳайдалмай қолади, лекин стипендиядан маҳрум этилади. Иқтисодий ахлоли танглашган талаба Ўзбекистон ХКС раиси Файзулла Хўжаевага ёрдам сўраб мурожаат этади. Биринчи раҳбар Москвага борганида у билан шахсан учрашади ва 100 сўм миқдорида пул беради.

1928 йил сўнгида қаҳрамонимиз “Мамлакатнинг бошқарув тизимида прокурор назорати” мавзусидаги диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, университетни қизил диплом билан битиради. 1928 йил Самарқанда келгач, Ўзбекистон Олий суди коллегияси аъзоси этиб тайинланади. Бу ҳақда “Ер ўзи” журналида “...Москов дорлуфунунининг ҳуқуқ шўъбасини 1927 йилда битириб, диплом ёзиш учун бир йил Масковда қолди. Ўзбекистонга келганидан кейин Тошкент округ судида бир мунча вақт ишлади. Ҳозир ўртқ Мўминов Ўзбекистон олий судининг коллегия аъзоси вазифасини бажариб турибди”, деб хабар берилади. 1931 йилда М.Мўминов ЎзССР Адлия халқ комиссарлигида аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш ва суд ҳимоя бўлимининг мудир лавозимига тайинланади.

Иқтидорли ҳуқуқшунос ҳаёти ва фаолиятининг “олтин даври” 1932–1935 йилларга тўғри келади. Шу йилларда у Совет қурилиши ва ҳуқуқ илмий-текшириш институти директори вазифасида

фаолият олиб борди. Шу ерда “Шўро қурилиши ҳам ҳуқуқ” журнаlinesи чоп этишни йўлга қўйди. Муҳаммаджон Мўминовнинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа вақтда кўплаб юридик лугатлар, дарсликлар тайёрланиб, чоп этилди. Ўзи таржимон, ўзи муаллиф, ўзи тақризчи сифатида миллий ҳуқуқ базасини мустаҳкамлашга беқийёс ҳисса қўшди.

Қаҳрамонимизнинг 1932 йилда нашр этилган “На фронте теории государства и права” китоби катта шов-шувларга сабаб бўлди. Мўминов ташаббуси билан ташкил этилган институт базасида кейинроқ юридик институт пойдевори қўйиларди.

Фидойи ҳуқуқшуноснинг муваффақиятлари барчани бирдай қувонтирмаслиги аниқ эди. Советлар Москвадаги намоийшини эсдан чиқармаган, ўч олиш учун қўлай фурсат пойлаётган эди. “Қатағон машинаси”нинг ишга тушиши ички ва ташқи душманлар учун айни муддао бўлди. 1935 йилда Муҳаммаджон ҳам “троцкийчилик”да айбланиб, партия сафидан ўчирилди ва дарс бериш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Чорасиз қолган олим ўзининг айбсизлигини исботлай олмади. Шундан сўнг Файзулла Хўжаев ёрдами билан Фаргона музофотида прокурор этиб тайинланади. Бу ерда ҳам у ишонсизлик ва таъйиқлар остида яшайди ва оқибатда Тошкентга қайтишга мажбур бўларди...

1937 йил 28 март куни Муҳаммаджон Мўминов “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси, троцко-зиновьевчилар намоийшининг иштирокчиси ҳамда Ўзбекистон компартияси биринчи котиби Акмал Икромовга қилинган суиқассда шерикликда айбланади. Эртаси куни унинг хонадонида тинтув ўтказилиб, ўзи ҳибсга олинади. Турмуш ўртоғи Дилором Юсупова икки фарзанди билан чорасиз қолади.

Ўша йилнинг 10 апрель куни терговчи Агабеков юқориди келтирилган айбловларни тақорлаган ҳолда ҳеч бир қўшимча ва далилларсиз ЎзССР ЖКнинг 67-моддасини қўллаб қарор чиқаради. Мўминов ишида ягона сўроқ баённомаси мавжуд. Бу ҳужжат ўша пайтда бир хил қолипдан чиққан бошқа баённомалар каби бўҳтон ва куракда турмайдиган айбловлар билан тўлиб-тошган. Муҳаммаджон бу баённомага жисмоний ва руҳий қийноқлардан ақлдан озиш даражасига етгач ёки оиласи тақдирини ўйлаб имзо қўйгани шубҳасиз. Қолаверса, у Бухоро округи ИИХҚда 3-булим бошлиғи ёрдамчиси вазифасида ишлаётган укаси Иномжон Мўминовнинг келажагини барбод қилмаслик учун ҳам шундай йўл тутган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шу билан бирга, ўзи имзолаган қоғозларнинг қандай мудҳис оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Мўминов юрист сифатида жуда яхши англар эди.

Сафдошлари билан бўлган юзлаштиришлар ишнинг яхшиликка ўзгаришига ҳеч қандай таъсир ўткази олмади. Қийноқ ва азоблардан чарчаган, умидсизликка тушган Мўминов 1937 йил 2 ок

тябрь ва 1937 йил 18 декабрь саналари билан ёзган билдиришномаларида ўзининг “айблари”ни тан олади.

М.Мўминовнинг айблов баённомаси 1937 йил 20 декабрь куни ЎзССР ички ишлар халқ комиссари Леонов томонидан имзоланди. Унда аввал қўйилган, аммо тергов жараёнида бирортаси ўз исботини топмаган айбловлар тақорланган. Фақат бу гал ЎзССР ЖКнинг 64-, 67-, 58-моддалари қўлланади. Худди шу ҳукм орадан қарийб бир йил ўтиб, 1938 йил 3 октябрь куни СССР бош прокурорининг исми-шарифи қайд этилмаган ўринбосари томонидан тасдиқланди. Унинг иши 1938 йил 4 октябрь куни Ўзбекистон ИИХҚ қошидаги машъум “Учлик” томонидан 17:45 дан 17:55 гача кўриб чиқилди ва суд отув ҳукмини белгиларди. Ҳукм шу куннинг ўзида ижро этилди.

Афсуски, унинг укаси Иномжон Мўминов ҳам узоқ давом этган даҳшатли сўроқлардан сўнг 1938 йил 9 октябрь куни отиб ташланади.

Қуруқ тухмат тўфайли биратўла икки фарзандидан айрилган Мўмин Иноғомхўжаев тинимсиз руҳий азоблар тўфайли бутунлай сўқир бўлиб қолади. У 1939 йили совет масъул идораларида ёзган аризалари асосида М.Мўминовнинг эканлигини қайта-қайта таъкидлаб, уларни озод қилишларини ёлвориб сўрайди. Бироқ ушбу илтимосномаларга ҳеч қандай жавоб қайтарилмади. Фарзанд доғини кўтара олмаган шўрлик ота тез орада вафот этади...

1955 йил 27 май куни М.Мўминовнинг 75 ёшли онаси Тожихон Иноғомхўжаеванинг sobиқ Иттифок Олий Совети раиси номига, 24 ноябрь куни Дилором Юсупованинг мамлакат прокурори номига ёзган аризалари асосида М.Мўминовнинг иши қайта кўриб чиқишга топширилади. 1956 йил 5 апрелда қайта сўроққа қақирилган Дилором Юсупова эрининг Совет қурилиши ва ҳуқуқ илмий-текшириш институти директори бўлган вақтида Ўзбекистонда олий маълумотли юристлар тайёрлаш мактабини юзага келтиришдаги олижаноб хизматларини бирма-бир баён қиладди. Айни пайтда унинг бошига тушган қийинчиликлар ва баъзи бахил кимсаларнинг тухматлари билан бир неча маротаба оғир ҳолатларга тушиб қолганини ҳам эслайди. Айниқса, терговчи Агабековнинг ноқуноний хатти-ҳаракатларини, терговда ўзига керакли маълумотни қўрқитиш йўли билан олганини баён қиладди. Айбланувчининг хотини сифатида ўзи ҳам 1937 йилдан 1939 йил апрелгача турмада сақланганини таъкидлайди.

1956 йил 2 июнда сўроққа қақирилган САГУ юридик факультети декани Хадича Сулаймонова шундай кўрсатма беради: “...Мен 1932–1935 йиллар Совет қурилиши ва ҳуқуқ илмий-текшириш институтида ўқиган давримда, у киши директор эдилар. Унинг маърузаларини ҳамма аспирант ва талабалар севиб тинглашар эди. У ўз вақтида ягона олий маълумотли ўзбек юристи эди. У ўта билимдон инсон эди. Тенгсиз иқтидор соҳибининг ҳаёти осон кечмади. Унинг ғайрати,



илми ҳар доим бошқаларнинг ҳасадида сабаб бўлаверар эди ва қисқа даврда уни 6 марта партиядан ҳайдадилар. М.Мўминов қандай қийин шароитда меҳнат қилмасин, ўзидан сўнға катта юристлар армиясини етказиб бера олди, бутун бошли ўзбек ҳуқуқшунослик мактабини қолдирди”.

Қайта сўроқ жараёнида Муҳаммаджон Мўминов ҳеч бир асоссиз қатағон қилингани очик-ойдин аён бўлди. 1957 йил 23 январь куни sobиқ Иттифок Олий суди ҳарбий коллегияси уни оқлаб қарор чиқаради.

Муҳаммаджон Мўминовнинг ўғли, математика фанлари доктори Марат Мўминов узоқ йиллар таълим тизимида самарали меҳнат қиладди ва 1998 йили 68 ёшида вафот этади. Бироқ унинг қизи Сурайёнинг умри қисқа экан, бояқиш медицина институтини битириш арафасида автоҳалокатга учраб нобуд бўлади.

Шу ўринда М.Мўминовнинг садоқатли умр йўлдоши, 25 ёшида ёлғиз қолган бўлса-да, оғир дамларда ҳам аёллик шаънига доғ туширмасдан, умрининг охиригача турмуш ўртоғининг хотирасини эъозлаб яшаган Дилором Юсупова (1911–1981) ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз лозим.

Дилором Юсупова “Ёш бухороликлар” ташкилотининг аъзоси Собиржон Юсупов хонадонида дунёга келади. Тараққийпарвар ота унга Динара деб исм қўяди. С.Юсупов мустамлакачилик сиёсатида қарши ҳаракат иштирокчиси сифатида бир умр таъқибда яшайди ва ҳаёти фожиали якун топади. Натжидада қизалоқ онаси билан биргаликда Тошкентга кўчиб келишга мажбур бўлади. 1922 йили Динара Бухоро Халқ Республикаси томонидан Москвага ўқишга юборилади. 1926 йили Тошкентга қайтиб, САГУнинг суд бўлимига ўқишга киради ва уч йилдан сўнг Дилором Юсупова номига диплом олади. У университет йўлланмаси билан Самарқанда ишлаб юрганида Муҳаммаджон Мўминов билан танишиб, унга турмушга чиқади.

Ёш оила 1931 йили Тошкентга кўчиб келади. Дилором Юсупова Совет қурилиши ва ҳуқуқ илмий-текшириш институтининг аспирантура бўлимига ўқишга киради. 1934 йил декабрь ойда битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширгач, йўлланма билан Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига ишга юборилади. Турмуш ўртоғи оқлангач, Дилором Юсупова умрининг охиригача Ўзбекистон транспорт прокуратурасида меҳнат қиладди.

Баҳром ИРЗАЕВ



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Шоқобил Камолов – 1885 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Савдогарлар комитети раиси бўлган.

1930 йил 28 декабрда “Миллий истиқлол” фаоли сифатида ташкилотнинг пул маблағларини Тошкентга етказганлиқда, босмачилардан бойдаланиш тўғрисидаги масала муҳокамасида иштирок этганлиқда айбланиб қамоққа олинган. ОГПУнинг 1935 йил 25 апрелдаги коллегияси томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58-моддаси 4-, 11-бандига кўра 10 йил муддатта концлагер қамогига ҳукм этилган.

Содиқ Абдусаттаров – 1884 йилда туғилган. Ўзбекистон партия наشريёти мудир вазифасида ишлаган. ЎзССР Жиноят кодексининг 58-, 63-, 64- ва 67-моддаларига биноан Тошкентда кўтарилган қуролли кўзғолонни тайёрлашда, “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоси сифатида советларга қарши фаолият олиб боришда ва Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш мақсадида тарғибот юриштида айбланади. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси 1938 йил 4 октябрда отувга ҳукм этади. Утган асрининг 50-йилларида реабилитация қилинади.

Расул Носиров – 1905 йили Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти ўрта. Дастлаб “Янги Фаргона” туман газетаси муҳаррири вазифасида ижод қиладди. Кейинроқ Қўқон шаҳри маданият бўлими мудир лавозимига ўтказилади.

Матбуотдаги чиқишлари, маданий тадбирлари моҳиятида миллий озодлик ҳаракати ғоялари яширинганини пайқабган советлар “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоси, ўз олдида совет ҳокимиятини ағдариш вазифасини қўйган жиноятчи сифатида унга нисбатан 1938 йил 8 октябрда ўлим жазосини тайинлади. 1957 йил 22 ноябрда оқланади.

Собир Мирзажонов – 1903 йили Наманган шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Ҳибсга олинганга қадар Қўқон шаҳар партия комитетининг котиби бўлган.

1937 йил 27 сентябрда “Миллий истиқлол” ташкилотининг аъзоси сифатида қамоққа олинади. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4 октябрдаги сайёр сессиясида 52 нафар Ўзбекистонлик отувга ҳукм этилган. Ушбу машъум рўйхатнинг 15-қаторида “Мирзажонов Собир” исми-шариф ёзилган эди.

Ҳамид Агьямов – 1888 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Малакали иқтисодчи, маданий-оммавий ишлар бўйича мутаассиди сифатида ном чиқарган. 1916 йилда кейинчалик “Иттиҳод ва тараққий” ёки “Миллий иттиҳод” номини олган “Турон” маданий-маърифий жамяят аъзолигига киради. У доимий равишда миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаган. Германия – Франция, Германия – СССР, Япония – СССР уруши юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети инструктори лавозимида ишлаган.

1937 йил 14 августда ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-модда 1- ва 6-банди билан айбланиб қамоққа олинган, “Учлик” қарори билан энг олий ҳазо берилган. 1956 йил 27 сентябрда реабилитация қилинган.

Исом Алаутдинов – 1908 йили Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек. 1922 йилдан 1926 йилгача Германияда ўқиган. Ўзбекистонга қайтган, инженер-тўқувчи касби бўйича ишлади. Охириги иш жойи – Тошкент текстиль комбинати. Ўқув ишлаб чиқариш ўқитувчиси бўлиб хизмат қилган.

1938 йил 8 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида отувга ҳукм этилган.

Гумер Жданов – 1897 йили туғилган, миллати татар. Ўрта маълумотли, оилали. Каттақўрғон бўлиб партия комитетининг 2-котиби бўлиб хизмат қилган. Кейинроқ Тошкент шаҳридаги “Ўзбекистон” наشريётида фаолиятини давом эттирган.

“Миллий истиқлол” ташкилоти сафида бўлганлиқда ва унинг топшириғи билан одам тўплаш билан шуғулланганлиқда айбланиб, 1938 йил 28 февралда қамоққа олинган. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 15 октябрда бўлиб ўтган сессиясида ўлимга ҳукм этилган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Дилшодбек ҲОМИДОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

(Давоми келгуси сонда).


ЯНГИ НАШР

“ТУРКИСТОН ДАҲОСИ”НИНГ ЧИН БАҲОСИ

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан жадидшунос олим Ҳалим Саидовнинг “Туркистон даҳоси” китоби нашрдан чиқарилди. Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан босилган ушбу китобдан адабий-илмий мақолалар ўрин олган.

Ҳалим Саидов жадидлик ҳаракати, ўзбек жадид адабиёти ва публицистикаси, хусусан, Бехбудий адабий шахсиятининг холис ва билимдон тадқиқотчиси. Унинг ёзганларини эринмасдан синчиклаб ўқиш керак. Чунки бу ҳалим олим мақолаларини шунчалик ёзмайди. Мақола неғизда муаллифнинг ўз мустақил қарашини бўлади. Бу қараш ва ифода кўпинча бошқа жадидшунослар фикридан фарқ қиладди ҳам. Аслида Ҳалим Саидовнинг ёзиш услуби, мақолаларининг ички структураси, ўзига хос хулосаларининг ўзи махсус тадқиқотларга мавзу бўла олади.

“Туркистон даҳоси” – жиддий китоб. Бу – Бехбудий ҳаёти ва ижоди қарийб қирқ йилдан бери ҳаёлини эгаллаб юрган олимнинг китоби. Истиқлол йилларида Маҳмудхўжа Бехбудий тўғрисида биричилардан бўлиб илмий тадқиқот олиб бориб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ҳам шу йигит



эди. Кўп давраларда Маҳмудхўжа Бехбудий мавзуси ўртага чиққудек бўлса, биринчи навбатда Ҳалим Саидов номи, мақолалари, хизматлари ҳаёлимга келади. Бир неча ўн йиллар давомида айни шахсият, унинг ёзганлари таҳлили билан шуғулланган бу мутахассис ҳар жиҳатдан Бехбудий феномени хусусида китоб таълиф этишга ҳақлидир. Диссертациясидан ташқари Ҳалим Саидовнинг даврий матбуотда бу мавзуда бир қанча жиддий мақолалар эълон этганини, ҳатто баҳс-мунозаралар кўтарилган паллада билимдон мутахассис сифатида аралашиб, жўяли фикрлар айтганини ҳам биламан.

Табиийки, бу изланиш палласида Бехбудий нашр этган “Самарқанд” газетаси билан “Ойина” журнаlining мазмун-мундарижасини ҳар жиҳатдан пухта ўрганди. Китобдаги ҳар икки вақтли матбуот нашрига тегишли “Самарқанд” – жадидлар ғоясининг тарғиботчиси” ҳамда “Журналларнинг энг биринчиси ва яхшиси...” деб номланган алоҳида икки мақола шу изланишлар ҳосиласидир.

Ҳалим Саидовнинг жадидлар публицистикаси, ўзбек драмасынинг ибтидоси, жадид ҳикоясини тўғрисида ёзганлари ҳам ўринли. “XX аср бошларида ёш адибларни муносиб тарбиялаб, уларнинг қўлидаги қаламни чархлаш, адабий асарлар яратиб, улар орқали ўзликни англашга ва оқибат халқни маърифат, маърифат воситасида эса ҳурриятга чорлаш жадидларнинг эзгу орузи эди”. Айнан шу миссия, яъни адиблар етиштириш, маърифат тарқатиш ва ниҳоят ҳурриятга эришмоқ орузсининг концептуал негизини Бехбудийдан топамиз. Тўғриси, бундай фикрларни ёзиш учун, албатта, ўша мураккаб давр адабий, ижтимоий, илмий манбаларини текшириб, уларни фикран бир тизимга солимоқ керак.

Ҳалим Саидов китобида жадидликка доир жуда кўп масала муҳокама қилинади. Бехбудий ва унинг

теграсидаги шахсиятлар фаолияти ҳам диққат қаратилади. Жадидларнинг жиддий-ҳаётий ғояи аъмоли бўлган озодлик, истиқлол тушунчалари, хусусан, Туркистон мухторияти қисмати учун “Яшасун, Туркистон мухторияти!” номда алоҳида саҳифа ажратилади.

Биринчи манбаларни, ўзбек мумтоз ёзувида босилган вақтли матбуотдаги мақолаларни, хабарларни, адабий асарларни ўқиш, англаш ва ўқиш – бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Арабий имлода ҳарф таниш билан баробар сабр, кунт ва энг муҳими, тамиз лозим. Тамиз дегани билим, фаҳм-фаросат ва анализга тўғри келади. Ўзбек мумтоз ёзувида босилган “Самарқанд” билан “Ойина”дан ташқари, Бехбудийнинг ёзганларини “Таржомуни”, “ТВГ”, “Тужжор”, “Улфат” билан “Ҳуррият”дан ҳам изламоқ лозим. Олим ана шундай изланишдан эринмади. У ўзидан олдин саргайган саҳифалар чангини ютиб, қимматли адабий манбаларни табибли қилган олимлар хизматини ҳам унутмайди. Бу илмда адолат ва холислик тамойили демакдир. Ҳалим Саидов инсон ва олим сифатида айнан шу фазилати билан ҳам янги тоифадаги ёшу қари жадидчилар учун намуна бўлади, деб ўйлайдим.

Жадидлардан ибрат олишининг



Бошланиши 1-саҳифада.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўшанда Президентимиз мен ҳақимда эшитганларини таъкидлаб, доим олға интилишимни маслаҳат бердилар. Шу заҳоти нутқ сўзлашга таклиф этилдим – бу ҳар қандай инсонни ҳаяжонга солиб қўядиган вазият эди, чунки давлат раҳбари олдида гапириш масъулияти катта.

Айни лаҳзада яна бир ҳақиқатни англадим: Президентимиз ёшлар ҳаётига чексиз эътибор ва меҳр билан қарайдилар. Айниқса, қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълими ва раҳбарлик салоҳиятини ошириш масаласини доим кун тартибидеда ушлайдилар. Ўша кун миқдорда айтган сўзлари ҳануз ёдимда: “Агар биз қизларни ўқитсак, бутун жамиятни ўқитган бўламиз”.

Шу нутқларидан илҳом олиб, келажақда юртимизда етакчи раҳбар аёллардан бири бўлишни мақсад қилдим. Чунки раҳбар аёллар сони дунёда ҳам, юртимизда ҳам кам. Президентимиз берган ишончни оқлаш учун бор куч-гайратим ва билимимни сафарбар қиламан.

ИЗЛАНИШЛАР ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАР

Ёшлигимдан технология ва IT соҳасига қизиққанман. Дадажоним ҳам шу соҳада фаолият юритади. Олти ёшимда биринчи компьютеримни совға қилишгани қизиқишимни янада кучайтирди. Шу билан бирга, чет тилларини ҳам фаол ўргандим.

15 ёшимда Американинг TechGirls халқаро дастурига танлаб олиндим. Бу дастурда дунё бўйлаб 36 мамлакатдан тўрт нафар қиз танланади ва мен уларнинг бири бўлдим. Виржиния штатидаги “Virginia Tech University”да уч ойлик ёзги мактабда таҳсил олиб, молекуляр моделлинг ва дастурлаш бўйича илк тажрибаларимни бойитдим.

Шундан сўнг АҚШда дастурчи ва технологлар ўртасида ўтказиладиган турли мусобақаларда иштирок этдим. Жумладан, “CyberStart America” дастурлаш ва киберхавфсизлик бўйича мусобақада яхши натижага эришдим. Шу сабаб, киберхавфсизлик соҳасига қизиқишим янада ортди. Ҳозир халқаро “Westminster University”да давлат гранти асосида таҳсил оляпман ва ахборот тизимлари соҳасида излашларимни давом эттиряпман.

КИБЕРХАВФСИЗЛИК ВА АМАЛИЙ ИШЛАР

Ўзбекистонда киберхавфсизликдаги энг муҳим масалалардан бири – телеграмда тарқалган APK-файллари орқали банк ҳисобла-

КУЧ – ИЛМДА



ри ва пластик карталардан ноқонуний равишда пул ечиб олиш ҳолатларидир.

Шу сабабли мен Ўзбекистондаги Киберхавфсизлик маркази билан ҳамкорликда мамлакатдаги кибертаҳдидларни таҳлил қилиш ва уларга қарши инновацион чоралар ишлаб чиқишда фаол қатнашяпман. Шунингдек, “Cyber University” билан биргаликда ахборот хавфсизлиги бўйича курслар ва тренинглар ташкил қилиб, ёшларнинг бу соҳадаги билим ва малакасини оширишга ёрдам бераман. Рақамлаштириш вазирлиги билан ҳамкорликда эса миллий киберхавфсизлик стратегияларини ишлаб чиқиш ва кибергигиена дастурларини жорий этиш бўйича лойиҳаларда иштирок этяпман.

Жорий даврда Ўзбекистонда миллий киберхавфсизлик терма жамоаси шакллантирилмоқда. Бу жараён менторлик дастурларини ҳам ўз ичига олади ва бир неча ой давом этади. Мақсадимиз – мамлакатда киберхавфсизлик мутахассислари сонини сезиларли даражада ошириш. Октябр ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган халқаро CTF (Capture The Flag) мусобақасида ҳам ушбу терма жамоа билан иштирок этиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, кибергигиена бўйича LMS (Learning Management System) ўқув дастурини ишлаб чиқяпмиз. Бу дастур боғча, мактаб ва университетларда жорий қилинса, халқимиз-

ни мавжуд кибертаҳдидлардан ҳимоя қилиш имкони яратилади.

Киберхавфсизлик – бугунги дунёнинг мустақам “қалқони”. Ушбу соҳадаги фаолият орқали нафақат шахсий билимимни мустаҳкамляпман, балки Ватанимни замонавий таҳдидлардан ҳимоя қилишга ҳисса қўшяпман.

IELTS 9.0 БАЛЛ

20 ёшимда IELTS имтиҳонида 9.0 балл олдим. Бу кўпчилик учун етиб бўлмас чўққи, мен учун эса реал натижа. Бунинг ортида катта меҳнат, қатъий интизом ва кучли ирода ётади.

Аслида, аввалроқ – 14 ёшимда биринчи тил сертификатимни олганман ва 7 баллга эришганман. Ўшандан бери турли давлатларга бордим, Америкада таҳсил олдим ва халқаро “Westminster University”га кириш учун талаб қилинган 8 баллга эришдим.

Университетдан ташқари вақтларда билимларимни ёшлар билан бўлишиб, IELTS инструкторлиги билан шуғулландим. Мақсадим – қизлар ҳам энг юқори натижаларга эришиши мумкинлигини исботлаш эди. Бир неча ойлик тайёргарликдан сўнг максимал 9 баллга эришдим ва ҳозир Ўзбекистондаги энг ёш “найнер”лардан бириман, соҳам бўйича аёллар орасида республикада учинчи ўринни эгалладим (“Niner”) – сўзи, худди мактабда

“беш”чи дегандек, IELTSдаги “тўққиз”чи маъносида ишлатилади).

Бу йўлда энг катта аҳамиятга эга жиҳат – интизом. Университетда фулл-тима таҳсил олиш (“Full-time” – бу университетда тўлиқ ўқиш, яъни ҳар ҳафта барча дарсларда доимий қатнашиш ва бутун курс давомида фаол таълим олиш дегани), IELTSга пухта тайёргарлик кўриш ва АҚШ элчихонаси билан ҳамкорликда аёллар учун ўз-ўзини ҳимоя қилиш дастурини бир вақтда уйғунлаштириш осон бўлмаган. Камроқ ухлаб, тушлик вақтларини ҳам билим олишга сарфлаган кунларим бўлди.

Ҳар доим ёдимда тутаман: куч – илмда, бу йўлда қийналсангиз, демак, тўғри йўлдасиз. Ҳаммаси осон ва бир текисда кетаверса, бу нотўғри йўлдалигингиздан далолат. Шу орқали нафақат ўзимга, балки тенгдошларимга ҳам илҳом беришни мақсад қилганман.

ПРЕЗИДЕНТГА БЕРИЛГАН ВАЪДА

Президентимизга киберхавфсизликни таъминлашга ваъда берганман. Бу жараёни фақат мен бошқара олмайман, шунинг учун мамлакатимизда киберхавфсизлик соҳасини мустаҳкамлаш ва миллий терма жамоа шакллантириш учун қатъий ҳаракат қиляпмиз.

Давлат раҳбари ҳам шароит яратиб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боришимизга кўмаклашмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг киберфронтини кучайтириш ва киберармияни шакллантириш имконини беради.

Шу билан бирга, терма жамоадан ташқари ҳам, кибергигиена бўйича LMS ўқув дастурини ишлаб чиқяпмиз. Бу дастур боғча, мактаб ва университетларда жорий қилинса, аҳолини мавжуд кибертаҳдидлардан ҳимоя қилиш имкони яратилади.

Келажақдаги мақсадим – ёшлар, айниқса қизлар учун намуна бўлиб, замонавий билим ва технологиялар асосида юртимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшиш. Шу билан бирга, киберхавфсизлик соҳасида фаолиятимни давом эттириб, мамлакатимизнинг замонавий таҳдидлардан ҳимоя қилинишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Машхура АЛИМАРДОН
тайёрлади.

ТИЛБИЛИМ



ҚАДИМДА ИТНИ КИМ БОҚҚАН?

Итларни ўрганиш, урчитиш, озиқлантириш, сақлаш, қўриқлаш, қидирув, божхона, чегара ва бошқа хизматларда фойдаланиш учун махсус кўникмаларга ўргатиш билан шуғулланувчи соҳа мутахассисларига нисбатан юртимизда XX аср бошидан буюн кинолог сўзи қўлланилади. Бунга рус офицерларининг овчи итларни сақлаш ва кўпайтиришга оид клублари фаолияти сабаб бўлган экан.

Аммо унча минтақада ит боқувчилар бўлмаганми? Ҳукмдорлар ва аслзодаларнинг зотдор кўп-пакларини ким парварिश қилган? Чорсунинг шундоқ биқинида жойлашган Сағбон маҳалласи номи ҳам “сақбон”, яъни “ит боқувчи” маъносини беради, деган қарашлар бор. Луғатларни кўздан кечириш жараёнида “итарчи”, “итаржи” шаклида учрайдиган “иторчи” сўзига дуч келдим.

Гулханийнинг “Зарбулмасал”ида Бойўғли тилидан “Ит қилеанни иторчи қилмас”, деган мақол янграйди. Иторчи қимлиги “Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати” (Ж.Лапасов)нинг 92-саҳифасида “ит боқувчи”, “Мумтоз адабиёт манбалари луғати” (В.Рахмонов)нинг 166-са-

ҳифасида “итбоқар, югурдак, хизматкор” деб таъриф берилган.

Шунингдек, “итаржи” сўзи Мирзо Муҳаммад Хайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида уруғ номи қаторида санаб ўтилган. Юридик фанлар доктори, профессор Зиёдулла Мухомов “Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи” номли тадқиқотида “итарчи”нинг асл шакли “ўтарчи” бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Самарқанд вилояти Иштихон туманида Ўтарчи, Тожикистоннинг Хуҷанд вилояти Ғончи туманида Иторчи номли қишлоқлар бор.

Номшунос олим Мўмин Турдибековнинг “Шимолий Тожикистон топонимларининг тарихий-лингвистик хусусиятлари” номли диссертациясида иторчи уруғи яловига ит тасвири туширилганини қайд этган. Демак, иторчи уруғи вакиллари итларнинг хатти-ҳаракатлари, селекцияси, уларни урчитиш, озиқлантириш, сақлаш, ўргатиш билан шуғулланганлар. Ов, қўриқлаш, қидирув каби жараёнларда фойдаланганлар.

Шундан келиб чиқиб, итларни парвариллаш ва уларни бирор фаолиятга ўргатиш билан шуғулланувчи шахсга ўзбекча “иторчи” сўзини қўллашга тўла асос бор.

Достонбек ШАРИПОВ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Қизларимиз ўқисин!

Ўзбек ҳамжамиятида оналарнинг кўпчилиги қизини ўқитиш истагида эканини айтади. Бироқ улар ҳамиша сўзини қуйидагича давом эттиради:

– Қиз бола ўқиса яхши-да. Замонни кўрялсиз-ку. Эртага эрини кўлига қараб қолмасин, дейман. Ўзини уддаласин, харажатларни бемалол ўзи қоплай оладиган бўлсин, деб ният қиламан.

Шунингдек, келин олиш режасидаги аёллар ҳам ўқимишли қиз қидираётганини айтишади. Уларнинг сўзи ҳам худди юқоридаги алфозда давом этади:

– Пайпоқаям, памперстаям ўғлимдан пул сўрайвермайди, дейман-да. Ўқимишли қиз ўзини ўзи уддалайди-да...

Бу сўзлар ва жамиятимиз аҳволи “Амаллар ниятга боғлиқ” эканлигини яна бир бор тасдиқ этаётгандек...

Қаерга қарама, “ўзини уддалаётган” аёлга қўзинг тушади. Бири бозорда савдо қилса, бошқаси мардикорликка чиқади. Аксариятимиз ўқимишли аёлларга ҳам оддий ишчи кучидай қараб, уларга ҳам мардикорлик тақдирини эп кўрамыз чоғи. Наҳотки, одамлар ўз жигарбанди-қизига шундай юкни эп кўрса. Ахир, аёл учун ўзини ўзи уддалаш нақадар оғирлигини билмаймизми?!

Ўзини ўзи уддалаётган аёллар билан яқинроқдан танишиб, дардига қулоқ тутиб кўринг. Юзи кулса-да, кўзлари кулмайди. Лаби табассум қилса-да, чеҳраси ғамгин.

Қизингизни ўқитманг, демайман. Ўқитинг, албатта, ўқитинг! Фақат дунёга тегаран назар сола олиши учун ўқитинг!

Турмушдаги ҳар хил ҳолатларда тўғри қарорлар қабул қилишни ўр-

ганиши учун ўқитинг!

Фарзандларига тўғри тарбия бера олиши учун ўқитинг!

Ҳар хил ҳолатларда турмуш ўртоғига яхши маслаҳатчи бўла олиши учун, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бориши учун ўқитинг!

Келажақда фарзандлари, онам ўқиган зиёли аёл деб ўзлари ҳам ўқишга интилишлари учун ўқитинг!

Қолаверса, илми ўсиб жамият ривожига муносиб ҳисса қўша олиши учун ўқитинг! Фақат ўзини уддалаши учун эмас!

Ўзини уддалаб яшашни ҳеч бир аёлнинг бошига солмасин. Уни отаси уддаласин, эри таъминотини қилсин, кексаянида болалари ардоғида бўлсин.

Азиза ЧИНПУЛОВА,
Фейсбук

ТАНЛОВ

“Jadid” газетаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида мактаб ўқувчилари орасида Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат, миллий қадрият ва аъналаримизга ҳурмат тўғрисида тараннум этилган, шунингдек, маърифатпарвар жадидларнинг ибратли фаолиятини мустақил таҳлил ва талқин қилишга бағишланган

“ЖАДИД БОБОМГА МАКТУБ”

ижодий иншо танлови эълон қилинган эди. Эътиборли жиҳати, ушбу танлов юртимиздаги жуда кўплаб мактаб ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотди. Жорий йил 14 августга қадар тахририятимизга 34 мингга яқин иншо келиб тушгани ҳам шундан далолатдир. Айни пайтда материаллар таниқли ижодкор ва ўқитувчилардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан диққат билан ўрганилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида танлов ғолиблари аниқланиб, белгиланган тартибда тақдирланади.

Куйида тахририятимизга йўлланган иншоларнинг худудлар кесимида тақсими билан танишинг:

Вилоят номи	Иншо топширганлар сони
Фарғона	17 448
Навоий	2 760
Наманган	2 722
Самарқанд	2 215
Тошкент шаҳри	1 521
Андижон	1 062
Сирдарё	1 111

Бухоро	1 016
Қашқадарё	865
Сурхондарё	660
Хоразм	641
Тошкент вилояти	637
Жиззах	447
Қорақалпоғистон Республикаси	417
Умумий сони:	33 522



Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИМИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИБош муҳаррир:
Иқбол МирзоМасъул котиб:
Шухрат АзизовНавбатчи муҳаррир:
Отабек БакировСаҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 100

Шундан:

Кирилл ёзувида – 7 447

Лотин ёзувида – 11 653

Медиа кузатувчилар – 88 321

Буюртма: Г – 839

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 19:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz